*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 21 сентябрь, сешанба • № 112 (25.507).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

## Дийдорлашув

Жаҳон Тинчлик куни муносабати билан қадим воҳага ташриф буюрган америкалик меҳмонлар қадим Хивани томоша қилдилар, Маъмун Академиясида махсус семинар ўтказилди. Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип ака Қувоқов раҳбарлик қилаётган Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалигида ҳам бўлган меҳмонлар деҳқонлар билан учрашдилар, уларнинг мустақил давлат пойдеворини яратиш йўлидаги фидокорона меҳнат жабҳаси билан танишдилар.

Америкадаги «Инсон инсон учун» жамияти фаолларидан бири жаноб Чарльз хўжаликда ташкил қилинган музей заллари билан танишиш жараёнида бир сурат олдида узоқ туриб қолди ва мезбонлардан «Бу киши ҳали ҳаётми?» деб сўради.

У сўраган киши мазкур хўжалик тамал тошини қўйган уста деҳқонлардан бири Искандар ака Сафоев бўлиб, мана неча йилки қарилик гаштини сурмоқда.

Тақдирни қарангки, Искандар ака билан Чарльз 1945 йилда Эльба дарёси бўйида фашистларга қарши биргаликда жанг қилишган эканлар.

Икки собиқ жангчининг учрашуви тантанага айланиб кетди. Улар узоқ йиллар ортида қолган хотираларни яна бир карра эсга олишди, урушдан кейинги тақдирлари қандай кечгани борасида анча суҳбатлашишди. Собиқ жангчиларнинг биргаликда тантана даврасида ўйинга тушганликларини энди қишлоқ аҳли узоқ йиллар эслаб юрса керак.

*Ўз мухбиримиз*

## Терим қизғин

Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигида Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Тахтакўпир, Бўзатов, Амударё туманларида терим суръати тобора авжида. Кунига йиллик режанинг 2,5-2,8, хўжаликларда эса 3,8-4,5фоиз миқдорида пахта тайёрланмоқда.

*Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Янги таъмир корхонаси

Навоий шаҳар марказида яна бир катта иншоот фойдаланишга топширилди. Бу вилоят электр тармоқлари корхонасига қарашли электр тармоқлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлаш базасидир. У электр трансформаторлари, юзлаб техника воситалари ва қатор электр узатиш линияларига таъмирлаш хизматини кўрсатади. Янги базада замонавий цех ва лабораториялар бўлиб, улар хорижий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

*Музаффар ШАРОПОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция қатнашчиларига

**Ҳурматли конференция қатнашчилари!**
**Хорижлик азиз меҳмонлар!**

**Ўзбекистоннинг қадимий, гўзал ва саҳоватли диёрида барчангизни сидқидилдан қутлайман.**

**Жуда қадим замонлардаёқ, икки минг йилдан кўпроқ вақт муқаддам бизнинг ўлкамиз орқали Буюк Ипак Йўли ўтган бўлиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғлаган эди. Буюк Ипак Йўлининг ғоят катта кенгликларида, у мавжуд бўлган бутун давр мобайнида савдо-сотиқ, турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиши фаол давом этиб келди, бу эса кўпгина мамлакатлар ҳамда бутун-бутун халқларни иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда, умумбашарий цивилизацияни тараққий эттиришда ғоят катта роль ўйнади.**

**Бугун ҳам, глобаллашув асрида, мамлакатлар ва бутун-бутун минтақалар ўртасидаги интеграциялашув жараёнлари жўшқин авж олиб бораётган асрда тарихий Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ғоясини рўёбга чиқариш тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий тараққиётни ривожлантириш, иқтисодий ўсиш ва кишилар фаровонлигини ошириш ишига хизмат қилиши шубҳасиздир.**

**Европа-Кавказ-Осиё замонавий транспорт йўлагини бунёд этиш Евроосиёдаги кўпгина мамлакатлар билан халқлар ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва маънавий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги истиқболлар очади. Мамлакатларнинг трансевропа ва трансосиё транспорт тармоқларига муқобил тарзда, яна ҳам барқарор кириб боришлари учун фавқулодда муҳим имконият очади. Лойиҳада қатнашувчи мамлакатларнинг ўзаро манфаатли ташқи савдо фаолиятини авж олдиришда янги имкониятлар яратади.**

**Энг муҳими эса шундаки, мазкур улуғвор лойиҳани амалга ошириш турли миллатлар ва динларга мансуб одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишонч мустаҳкамланишига кўмаклашади, бу эса умумий хонадонимиз — Ер сайёрасига тинчлик ва хавфсизлик гарови бўлиб хизмат қилади.**

**Ўзбекистон Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш лойиҳаларини рўёбга чиқаришда қатнашишга ғоят катта аҳамият бермоқда. Республиканинг шарқий ва шимоли-ғарбий минтақаларини боғловчи транзит автомобиль йўлларини қуриш ва уларнинг барча участкаларини таъмирлаш ишлари собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Қамчиқ ва Резак довонларида баланд тоғ бағридаги иккита тоннель қурилиши рекорд даражада қисқа муддатларда, шу йилнинг ўзидаёқ ниҳоясига етказилади.**

**Ишончим комилки, Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича лойиҳада қатнашувчи мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари жуда қисқа вақт ичида ўз самараларини беради.**

**Ушбу конференция, унда муҳокама этилаётган масалалар халқларимизнинг тақдири учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган қадимий Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги миллатлараро лойиҳани амалга оширишда янги омил бағишлашига ишончим комил.**

**Конференциянинг барча қатнашчиларига муваффақиятли ва самарали ишлашларини тилайман.**

*Ислом КАРИМОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти*

# Анъанавий теннис турнири якунланди



Пойтахтимиз Тошкентда дунёнинг 26 мамлакатидан 80 га яқин спортчи иштирок этган «Президент Кубоги» халқаро теннис турнири якунланди. Жаҳоннинг энг таниқли теннис усталари беш кун давомида бош соврин учун кураш олиб бордилар. Ўйинларнинг ўта муросасиз ўтганлигини, барча турнир қатнашчиларининг умумий маҳорат даражаси юқори эканлигини шундан билиш мумкинки, ЭйТиПи таснифида энг юксак поғоналарни эгаллаган аксарият теннисчилар дастлабки даврларда ёқ мағлуб бўлди. Бу эса турнирнинг мавқеи нақадар баланд эканлигининг яна бир ифодасидир.

18 сентябрь куни «Президент Кубоги» халқаро теннис турнирининг жуфтлик ва якка тартибдаги финал учрашувлари бўлиб ўтди. Аввал, «Юнусобод» спорт мажмуининг марказий кортида ҳамюртларимиз Олег Огородов ва швейцариялик Марк Россе жуфтлиги билан америкалик Марк Кайл ва швейцариялик Лоренцо Манта ўртасидаги финал учрашув ўтказилди. Ўзаро тенг курашда ўтган ўйинда О. Огородов ва М. Россе 7:6, 7:6 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу муваффақиятнинг аҳамияти шундаки, биринчи бор Ўзбекистон вакили ЭйТиПи тур доирасидаги турнирда ғолиблар сирасига кирди. О. Огородовнинг зафари мамлакатимизда спортнинг бу тури тобора ривожланиб бораётганлигининг яна бир намойиши бўлди.

Турнинг финал учрашувига йиғилган республика ҳукумати аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, спорт мухлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олдилар.

«Президент Кубоги» турнирининг финал баҳсида германиялик Николас Кифер ва швейцариялик Жорж Бастл куч синашди. Маҳорати бирмунча юқори бўлган Николас Кифер 6:4, 6:2 ҳисобда ғалаба қозонди.

Шундан сўнг «Президент Кубоги» халқаро теннис турнирининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Олтинчи бор ўтказилган «Президент Кубоги» турнири ниҳоясига



етмоқда, деди йўлбошчимиз. Мана шу беш кун давомида биз ҳаммамиз бу кортларда ўтказилган учрашувларни катта қизиқиш билан томоша қилдик.

Ислом Каримов мусобақалар жуда юксак даражада ўтказилганлигини таъкидлаб, бу ишга ҳисса қўшган барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

Бу мусобақаларнинг даражаси, мавқеи, авваламбор, унда жаҳон тенниси юлдузларининг иштироки билан белгиланади деди Президент. Шу боис, турнирда қатнашган барча катта теннис усталари — Е. Кафельников, Г. Руседски, К. Кучера, Д. Вацек ва бошқаларга ташаккур изҳор этаман. Шу билан бирга ўзининг ажойиб ўйини билан барчани хайратга солган ёш теннисчиларнинг турнирдаги муваффақиятли иштирокини алоҳида қайд этмоқчиман. Уларнинг жаҳон теннис майдонида ўз ўрнини эгаллаш истаги билан кўрсатган чиройли ўйинлари турнирга ўзига хослик бахш этди.

Мамлакатимиз раҳбари барча теннис ихлосмандларини ўзбекистонлик Олег Огородовнинг жуфтлик баҳсидаги ғалабаси билан қутлади.

Менимча, бу мусобақаларда мағлублар йўқ, деди юртбошимиз. Чунки, узоқ-яқиндан келиб турнирда иштирок этган спортчилар халқимизнинг, теннис мухлисларининг эътиборини ҳис этдилар, улар орасида ўзларининг минглаб ишқибозларига эга бўлдилар. Бу — уларнинг катта ютуғидир.

Давлатимиз раҳбари мусобақаларнинг бундай юксак савияда ўтишини таъминлаган турнир ташкилотчилари, ҳакамлар, ўйинларни кенг ёритган оммавий ахборот воситалари ходимларига миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримов «Президент Кубоги» халқаро теннис турнирининг ғолиби Николас Кифера бош совринни топширди. Н. Кифер бундай нуфузли турнирнинг бош ташкилотчиси — мамлакатимиз Президентига самимий ташаккур изҳор этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари финал иштирокчиси Жорж Бастлга турнирнинг махсус совринини топширди.

*Беҳзод УСМОН,*
*ЎзА мухбири*

***

*Абдувоҳид ТЎРАЕВ,*
*Алишер РИСҚИЕВ ва*
*Муҳаммад АМИН (ЎзА)*
*олган суратлар*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 21 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 87,68 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,20 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 218,96 |
| 10 Бельгия франки | 34,78 |
| 1 Голландия гульдени | 63,67 |
| 10 Греция драхмаси | 4,30 |
| 1 Дания кронаси | 18,89 |
| 1 БАА дирхами | 36,78 |
| 1 АҚШ доллари | 135,08 |
| 1 Миср фунти | 39,61 |
| 10 Испания песети | 8,43 |
| 100 Италия лираси | 7,25 |
| 1 Канада доллари | 91,77 |
| 1 Хитой юани | 16,32 |
| 10 Люксембург франки | 34,78 |
| 1 Малайзия ринггити | 35,55 |
| 1 Германия маркаси | 71,75 |
| 1 Польша злотийси | 32,72 |
| 1 СДР | 186,21 |
| 1000 Туркия лираси | 0,29 |
| 1 Финляндия маркаси | 23,60 |
| 1 Франция франки | 21,39 |
| 1 Швейцария франки | 87,58 |
| 1 ЕВРО | 140,32 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,12 |
| 10 Япония иенаси | 12,68 |
| 1 Россия рубли | 5,32 |
| 1 Украина гривнаси | 30,26 |

*)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Қирғизистон жанубидаги вазиятга оид

Ўш вилоятининг жанубида вазият мураккаб ва кескинлигича турибди. Жангарилар тўдаларининг Қирғизистон Республикаси ҳукумат қўшинлари бўлинмаларига қарши ҳаракатлари авж олаётгани қайд этилмоқда.

Шу йил 18 сентябрда 100-120 нафарга яқин жангари Сирт аҳоли пункти яқинида ҳукумат қўшинларининг бўлинмалари эгаллаб турган жойга ҳужум қилди. Жангарилар орасида ўлдирилганлар ва ярадорлар, қишлоқ аҳолиси орасида қурбонлар бор, вайронагарчиликка ҳам йўл қўйилган. Жангарилар 6-8 километр масофага, Тескей аҳоли пункти томонига чекинди.

Тўқнашув бўлган жойларни текшириб кўздан кечириш чоғида бир бандитнинг мурдаси топилди. У жангарилар гуруҳининг командири Абдулазиз Йўлдошев экани аниқланди. Унинг ҳалок бўлганини Қирғизистон Хавфсизлик Кенгаши котиби П. Жонузоқов ҳам тасдиқлади. Унинг сўзларига қараганда, жангариларнинг талофати ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан 15 кишига етади.

Ўш вилоятидаги уруш ҳаракатларида Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Чеченистон ва айрим араб мамлакатларидан ёлланганлар иштирок этаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмоқда.

Тожикистон Бирлашган мухолифати ҳарбий командирлари жангариларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Қирғизистон ҳудудидаги жангарилар Қоратегин зонасидан, шунингдек Кабодиён ва Шаартуз шаҳарларидан қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат келиб турибди.

Тўқнашув чоғида жангарилар маҳаллий аҳолидан «жонли» қалқон сифатида фойдаланиб, уларнинг панасида жанг майдонидан чиқдилар. Маҳаллий аҳолидан 20 га яқин киши шу вақтга қадар уйларига қайтмади, жангарилар уларни гаровга ушлаб турган бўлса керак, деган таҳминлар бор.

Жангарилар ўзлари назорат қилиб турган ҳудудда маҳаллий аҳолини тунашни давом эттирмоқда. Улар асосан иссиқ кийим ва озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олишмоқда.

Сой қишлоғи атрофида жанг ҳаракатлари авж олгани туфайли бу қишлоқ аҳолисидан 1500 киши кўчирилди. Бундан ташқари, мактаб ёшидаги 465 бола Ўш вилоятининг Боткен ва бошқа туманларидаги аҳоли пунктларига олиб кетилди.

Жангарилар Қирғизистон ҳудудида эгаллаб турган жойларида мустаҳкамланиб олишларига йўл қўймаслиги учун бирлашган қўшинларнинг барча бўлинмаларида Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудига суқилиб кирган жангарилар тўдаларини қуршаб олиш ва қириб ташлаш юзасидан Қўшинлар операцияларини ўтказишга тайёргарлик тадбирлари тугалланмоқда.

*(ЎзА)*

# Дабдабами... дағдағами?

Ўн бир ой бўлаяпти. Президентимизнинг тўй-ҳашамлар, маросимларимизни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинганди. Фармонда тўйларимиз, марҳумлар хотирасига бағишлаб ўтказилаётган маъракаларда ҳаддан зиёд дабдабабозликка йўл қўйилаётгани таъкидланган эди.

Тўғриси, айрим амалдорларнинг фикрига ўрнашиб қолган мақтанчоқлик балоси тўй-ҳашам баҳонасида эл кўзида намоён бўлаётганди. Бундай шуҳратпарастлар мансабпарастлар, халқнинг юмушига яраш ўрнига ўзини кимсан — фалончивой қилиб кўрсатишга, шу билан бирга фалончи тўй қилди, тўйига казо-казолар келди, ўзиям ўшаларнинг бирида, деган ном орттиришга жон-жаҳди билан уринадилар. Ва, бундан уялмайдилар. Нега уялишсин. Онгида мансабдан, фалончи писмадончиевич акаси билан бир дастурхон атрофида ўтириш, у кишининг назарида бўлиш учун истаган мақомга йўрғалашга тайёр турган бу тахлит амал қулларининг ўйида, ботинида уят туйғусига жой бормикин? Оддий одамларнинг иззат-нафсига тегиб данғиллама уйлар солиб, овозаси оламга кетган тўй қилаётган айримлар халқнинг уларга нисбатан қандай баҳо беришини ҳис қиладиларми? Пешона тери билан, ҳалол меҳнати эвазига оила тебратаётган, топиши ҳам ўзига яраша, лекин ҳаётдан нолимайдиган, тинчлигимизга шукрона айтиб яшаётган одамларнинг кўз ўнгида фалон-фалон пулларни ҳавога сочиб, исрофгарчилик қилиб, беҳисоб сарф-харажат кетказиб тўй ўтказиш обрў бўлдими? Обрўсизлик, калтафаҳмлик эмасми бу! Ўз кучи билан пул топиб, ўзини ўтга-чўққа уриб пул топаётган, ҳаракатчанлиги, уддабуронлиги, тадбиркорлиги билан давлатли бўлган бойларимиз пул меники, қандай ишлатсам ўзим биламан, дейишлари мумкин. Тўғри. Ишлаб топганлари ўзларига буюрсин уларнинг. Лекин, давлат топиб ҳисоб топмаслик ёмон. Яна бир гап: Қийналиб, уриниб-суриниб бойлик орттирган чин тадбиркор минг азобда йиққан пулини сохта обрў орттираман деб бир кечада сувга оқизмайди. Имонимиз комил, ҳақиқий ишбилармонининг иши эмас бу...

Нега бу ҳақда тўхталдик?

Бирор бир лавозим эгаси элдан ўзиб тўй берса, узундан-узун дастурхонда булбулнинг сутидан бошқа нознеъматларни тўкиб сочса, бадабанглаган даврада бели синмаган пуллар тутдай тўкилса, буларни ҳисоб-китоби, қаердан келгани, кимнинг ҳамёнидан бўлаётгани, бундай тўй қилади. Фалончининг эркатойи уйланса ёки турмушга чиқса ҳамма-ҳамма нарса муҳайё, бизнинг отамизнинг эса қўли қалта... деган ўкинч тимдалайди қалбларни...

Фармон чиққан кунлари матбуотда, радио, телевиденида ушбу иллат хусусида кўп гапирилди. Тўйларимиз ҳам тартибга тушиб қолди. Ортиқча харажатларга йўл қўйиш чекланди. Халқимиз Фармонни якдиллик билан маъқуллади.

## Яна тўйлар ҳақида

Йигирма-ўттизталаб «ГАЗ-31»ни қаторлаштириб ФҲДЁ бўлимларига бориш тўхтатилди. Одмиликка уришишлар сезилди. Бироқ матбуотда тўйлар ҳақида, дабдабавозлик ҳақидаги чиқишлар «тортилиброқ» қолгач, баъзи бир обрўпарастлар Фармонни унутганга ўхшайдилар. Ўзларини билиб-билмасликка олиб, «элнинг эсида қоладиган» қилиб тўй ўтказишни бошладилар яна. Элнинг оғзига тушишни хоҳлабсан, яхши, ниятингга ет, аммо болалар боғчалари қур, маҳаллада гузар барпо эт, мактабни таъмирла, йўл сол, кўприк тикла... Қиламан десанг иш кўп. Хайрия қил... Етим-есирларнинг бошини сила. Қани, шунда одамлар гапирмай кўрсин. Гапиради. Алқайди... Мақтайди... Иззат-ҳурмат кўрсатади...

Яқинда бир танишимиз юбилей тўйи қилди. Даҳо дейсиз. Тирик даҳо. Гўёки у тириклигидаёқ ўз умрини чўққига олиб чиққандай. Гўёки туман ва туман халқини елкасида кўтариб тургандай, агар у бўлмаганда эди... билмадим бу ёғига бир нарса дейиш қийин... Хуллас ҳалиги тумандаги «даҳо» тўйхонада пилдираб у ёқдан-бу ёққа югургилайди... Лавозимдор меҳмон келишини интизорлик билан кутади. Амали баланд кимсани кўрса юзида қуёш чарақлайди, бундайроқ танишларига беписандлик билан тунд қиёфада қўл чўзади. Хуллосикалом туманнинг «зўр»лари келгач, кўнгли хотиржам бўлди... Унинг шаънига айтилган гаплар, мақтовлар бисёр эди... Дастурхонга беҳисоб тандиргўшт тортилди... Ароқ сув бўлиб оқди... Нознеъматлар...нинг турини санаб адоғига етолмайсиз... Шунчалар дабдабали, қиш-тир-қистир авжга чиқиб, пул ёққан даврага кетган сарф халққа фойдаси тегадиган бошқа бир юмушга ишлатилса бўлмасмиди? Бўлади... Бироқ бунинг учун инсон амалпараст, бадкирдор эмас, халқпарвар бўлиши керак. Ўзини эмас, элни ўйлайдиган одамгина халқим, юртим дейди. О, бунинг учун Инсонга катта қалб керак. Қалби майда кимсалар ўз қобиғига ўралаб қоладилар...

Амалидан фойдаланиб туман яйловидаги қўйларни сўйиб тандиргўшт қилган, заводдан яшик-яшик ароқни бир қўнғироқ билан уйига келтира оладиган «қудрат» соҳиби, ўнлаб лаганбардорларига «ўлпон» солиб дабдабали юбилей ўтказаётган «буюк» менинг қинғирлигимни халқ билмайди деб ўйласа керак. Бироқ халқ ҳамма нарсани кўриб, билиб туради.

Гапнинг очиғи, давлатнинг ҳамёнига қўл солиб тўй-томошасини ўтказаётган баъзи бир тўраларга тенглашаман деб бели букилаётган, алал-оқибат қарз-ҳаволага ботиб қолаётганлар ҳам оз эмас. Ўзинг оддий одам бўлсанг нима қиласан, шунчалар қийналиб, ҳеч замонда инсоннинг бахт-саодати бойлик билан ўлчанганми? Қиз чиқараётган ҳамюртимиз бугунги кунда (айниқса Тошкентда) қўша-қўша ётоқ мебели, гиламлар, 40 талаб сарпо, тилла тақинчоқлар, 30 талаб сарпо, сонсаноқсиз лаш-луш сотиб олишга мажбур. Ўғил томоннинг ҳам бундан қолишмайдиган мажбурияти бор! Нега шундай. Фарзандларимиз бахтли бўлишининг асосий мезони қарз-ҳавола қилиб топган бойликда эмас-ку. Кўрпамизга қараб оёқ узатсак бўлмайдими?

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлимлари қаёққа қараяпти? Ахир Фармонда «Маҳалла» хайрия жамғармаси олдидаги вазифалар аниқ ва тиниқ қилиб белгилаб қўйилган-ку. Унда мазкур жамғарма Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар,тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бундай ҳунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Очиғи, бугун Тошкент кўчаларида яна турнақатор тизилган бир хил рангдаги «Лимузин», «Мерседес», «Газ-31»лар ФҲДЁ бўлимларига йўл олаяпти. Узлуксиз сигнал босиб шаҳар кўчаларидаги аҳолини кўриб қўйинглар, бизнинг куёв шундай зўр, тўй учун ана шундай 20-30 та «иномарка»лар ҳизматда деяётгандай. Куёвтўранинг насл-насабини кўз-кўз қилаётгандай. Шу ўринда кўнгилдан бир гап ўтади. Ахир газеталаримиз, радио, телевидение нега мазкур ҳолатга эътибор бермай қўйди. Ахир бу бизнинг маънавиятимиз билан боғлиқ масала-ку. Фармон чиққан даврда роса аюҳаннос солган матбуот бирдан жимиб кетди. Ҳеч бўлмаганда ушбу мавзуда вақтиваҳти билан чиқиш қилиб турсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Камтарлик — яхши хулқ. Буюк фазилат. Ўзимизни сохтагарчилик қурбонига айланиб қолишдан асрайлик. Президентимиз Фармони эса бугунимиз, эртамиз, келажагимиз, маънавий камолотимиз йўлидаги дастуриламалдир. Уни бажариш, тушуниш, англаш маданиятли халққа хос улуғ ҳислат эрур.

*Кўчқор НОРҚОБИЛ*

*Ўзбекистон ХДП III Қурултойи олдидан*

# Тарихимиз саҳифалари

***1999 йил 25 августда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XX пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Мамлакатимиздаги бўлажак сайловлар ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.***

***Пленум шу йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги III Қурултойини чақиришга қарор қилди ва унга делегатларни сайлаш меъёрларини ҳамда тартибини тасдиқлади.***

***Биз бугун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкил топган кундан кейинги ўтган саккиз йиллик тарихидан саҳифалар эълон қила бошлаймиз. Уни матбуотда чоп этишга кекса журналист, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси Владимир Иванович Тьюриков тайёрлади.***

## 1991 йил

**1 ноябрь.**

Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис қурултойини чақириш Ташкилий комитетининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов маруза қилди.

Қурултой Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури ва Низомини тасдиқлади, ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Делегатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни бир овоздан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси этиб сайладилар. Унда партиянинг Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссияси сайланди.

**1 ноябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум М. М. Расуловни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби ва Сиёсий ижроия қўмитасининг аъзоси этиб сайлади.

Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Тафтиш комиссиясининг пленуми бўлиб ўтди.

**2 ноябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис қурултойини чақириш Ташкилий комитети Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистонни янгилашда, унинг суверенитети ва давлат мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқ учун муносиб турмуш шароитларини яратишда халқ демократик партиясининг ўрни ва вазифаси» деган маърузаси матбуотда чоп этилди.

**16 ноябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастури матбуотда эълон қилинди.

**19 ноябрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлаш учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси И.А. Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг матбуот органи тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Пленум «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти билан ЎзХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитетининг мазкур газетани Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетасига айлантириш тўғрисидаги таклифини маъқуллади.

**14 декабрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум «Ҳозирги ижтимоий-сиёсий танглик шароитида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи галдаги чоратадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди.

Пленум қатнашчилари республикамиз барча меҳнаткашлари ва аҳолисига, партия аъзоларига сайловолди Мурожаатини қабул қилдилар.

**17 декабрь.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда муносиб номзод — Ислом Каримовга овоз бериш юзасидан республиканинг барча меҳнаткашлари ва аҳолисига, партия аъзоларига Мурожаати матбуотда эълон қилинди.

## 1992 йил.

**Февраль-март.**

Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларининг уч кунлик семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бу партиянинг Таъсис қурултойидан сўнг ўтказилган шу тарздаги биринчи тадбир эди.

**5 март.** Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис қурултойи резолюциялари бажарилишининг бориши ва партиянинг ташкилий жиҳатдан қарор топиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси раиси И.А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан Ёшлар иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома тасдиқланди.

**5 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси «Голос Узбекистана»нинг биринчи сони «Ўзбекистон овози» газетасига ҳафталик илова тарзида босмадан чиқди.

«Голос Узбекистана» газетаси ўқувчиларига ва унинг таҳририятига республика Президенти Ислом Каримов самимий қутлов йўллади.

**9 март.** Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И.А. Каримов Халқаро социал-демократик партиялар бирлашмаси (Соц интерн) делегациясини қабул қилди.

**13 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси IV пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котибининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис қурултойи қарорларининг бажарилиши ва ташкилий жиҳатдан шаклланиши тўғрисида»ги маърузаси матбуотда чоп этилди.

**13 март.** Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ўзбек халқига, республикамизнинг барча фуқароларига табриги матбуотда эълон қилинди.

**16 март.** ХКП Марказий Комитети аъзолигига номзод, Марказий Комитет ташқи алоқалар бўлими мудирининг ўринбосари Ли Шучжэнь бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди.

**16 март.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларини ҳамда республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И.А. Каримовнинг пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар ва Шўрчи туман кенгашларининг партия ташкилотлари тузилмаларини такомиллаштириш ҳамда улар сафини мустаҳкамлаш бўйича фаолияти ҳақидаги масала ҳам кўрилди.

Сиёсий ижроия қўмитаси зиёлилар билан ишлаш борасида партия ташкилотларнинг вазифаларини белгилади, шунингдек, Ўзбекистон ХДП раҳбариятининг Социалистик интернационал делегацияси билан ўтказилган учрашув якунларини кўриб чиқиб, маъқуллади.

**3 апрель.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг барча мўмин-мусулмонларига йўллаган табригида бутун ислом олами аҳлининг табаррук байрами — Ийд ал Фитр (Рўза ҳайити) билан самимий муборакбод этди.

*(Давоми бор).*

*Эркинлик манзаралари*

# Дунё сиздан огоҳлик сўрайди

Тасаввур қилинг: барларида қуёш нурлари ўйнаб, дилтортар ҳаёт гувиллаб ётган хиёбонда ё бир ўзингиз, ё ширинтой болангиз — оилангиз, ё қадрдон дўстингиз, биродарингиз билан кетиб бораяпсиз!... Фикрингизда шундай бир хотиржамликки, гўё қуёш кўкдан абадий нур сочаверади, гўё барглар абадий яшил бўлиб, қуёш нурлари билан қучоқлашаверади. Гўё болангизнинг ширин тилидаги сеҳрлар сира тугамайдигандек... Шунда бирданига фикру-ўйингизни, борлиғингизни, қалбингизни ларзага солиб осмонда эркин учиб кетаётган қушлар ўқ зарбидан қонга беланиб, оёғингиз остига қулаб тушаверади. Уларнинг жон ҳалпида потирлаётган қанотлари, вужудидан оқаётган, буғи кўтарилиб турган иссиқ қон, кўзларидаги илтижо... Энди унинг қанотларини минг силаманг, минг парвона бўлманг, қонга беланган тумшуқларига минг сув томизманг, унинг кўзларида сўниб бораётган ҳаёт шамидан ларзага тушасиз.

Аёл — Она бўлсангиз титраб қарғайсиз: «Учиб юрган қушни уриб туширган қўлларинг синсин-а, жаллод! Жонлини жонсиз қилган сендай маҳлуқнинг жонини Худойим олсин-а».

Йигит бўлсангиз... қарғолмайсиз, титрайсиз, қўлларингиз мушт бўлади, «ҳаҳ номард-а, ҳаҳ виждонсиз-а, келиб-келиб кучинг шу учиб кетаётган бегуноҳ қушга етдими. Уволи тутсин сени!»

Энди, биродар, дўппини бошдан олиб бир ўйлаб кўринг-а? Панадан туриб, ҳаётга, тирикликка қасд қилишнинг номини дейиш мумкин. Тил учингизда турган сўзни қўрқмай айтаверинг: — Бу террор! Ўлаётган қушнинг тумшуқларидан қон аралаш оқиб кетган сув сизга нима деб илтижо қилаяпти: «Огоҳ бўлинг... Бу террор!» Буғи осмону фалакка титраб кўтарилаётган қон нима деб нола қилаяпти: «Огоҳ бўлинг, бу террор!» Москвада портлатилган биноларда тупроққа қоришиб, бўлак-бўлак бўлиб кетган вужудлар — қўллар, оёқлар, гулдек гўдаклар нима деб фарёд қилаяпти: «Огоҳ бўлинг, бу террор!» Бомба даҳшатидан жажжи юракчаси ёрилиб кетиш асносида сочлари оппоқ оқариб кетган, тупроқ остидан уни қазиб олишганида ҳатто катталар танимаган уч ёшлик гўдак руҳи чирқираяпти: «Огоҳ бўлинг, бу террор!»

Ватанига қайтишни истаб, қотил қўлларда бор-йўғи битта катта қабрга айланган 17 та йигит арвоҳи чарх ураяпти: «Огоҳ бўлинг, бу террор!»

Қирғизистонда номардларча гаровга олинган, ҳар куни бутун дунёга умид, нажот кўзини тикиб турган япониялик тўрт вакил ва унинг шериклари имдод сўрашяпти: «Огоҳ бўлинг, бу террор!»

Аллоҳни таниган ҳар бир юракда бугун бир савол: — Бундай ёвузликка қачон чек қўйилади? Бундай ёвузликка қачон барҳам берилади?

Қирғизистон воқеалари... Москва фожеалари... Доғистон кўз ёшлари... Ёвузликнинг чеки борми? Бугунги кунда халқаро терроризм деб ном олган, террор деган қонхўр бола туғиб, уни дунёнинг етти иқлимига тарқатиб юбориб, хунрезликларни мириқиб томоша қилиб ўлтирган она ким!

Отаси ким бу халқаро террорнинг? Бугунги кун, ҳар бир осойишта дақиқамиз, луқмаи ҳалол бўлиб томоғимиздан ўтаётган бир, бурда нонимиз, бир хўплам зилол сувимиз, бир ютум тоза ҳавомиз бундай саволларга мукаммал жавоб излайди.

Ҳокимият учун ўзини туққан онасини, отасини бўғизлаб кетишдан тоймайдиган, Яратганнинг улуғ номини, унинг муқаддас динини қора, жирканч, қабиҳ мақсадлари йўлида қурол қилиб олган бундай кимсаларнинг абадул-абад икки юзи қорадир.

Шарқона сабр ва чидамнинг чегараси борлигини чамаси унутиб қўйишяпти қотиллар. Дунёни жаннат қилиш ўрнига, ер юзини қонга белаш, тинч ҳаётни издан чиқармоқчи бўлган бундай ёвузларга Ҳақнинг қасос соатлари ҳам муқаррардир.

Муҳаммад пайғамбаримиз «Ҳар ким мен билан учрашишни истаса қўли ва тилини тутсин. Учрашадиган жойимиз Ҳавзи кавсар ёқасидадир», деган эканлар. Ва яна у кишининг жон таслим қилиш олдидан айтган сўзлари муборак калималар билан бирга «Рафиқи Аъло — Олижаноб дўст ёнига» деган сўзлар бўлган экан.

«Қўл ва тилни тутмоқ» — Инсониятнинг мукаммал инсонийлик қоидаси эмасми? Ислом динининг асл моҳиятларидан бири эмасми?

«Олижаноб дўст» — яъни Яратган ҳузурига бутун иймон ила савобга йўғрилган ҳолда бориш учун буюк ишора эмасми?

Бу дунёни, Аллоҳ ато этган тирикликни асраб-авайлаш, иблис қутқуларидан огоҳ бўлишга илоҳий ишора эмасми?

Эҳ, аттанг, аттанг, дейман қуйиб. Ҳамма ҳам Аллоҳнинг бандаси бўлишликка ярамас эканда... Шу ўринда улуғ ёзувчи Лев Толстойнинг умрининг сўнгги йилларида ёлғиз ўзи билан — қалби билан танҳо қолганда ёзган фикрлари хаёлимдан ўтади: «Қуйидаги ксесизлик мени дахшатга солади ва бездиради, юкоридаги ксесизлик эса ўзига тортади ва менга куч беради». Қалбнинг тубида ётиб, шундай улуғ бир даҳо ёзувчини даҳшатга солган ва бездирган тубсизлик инсон қонига ҳаёт ибтидоси ила ошно бўлиб, кўмилиб ётган ёвузлик эмасми?

У намоён бўлган пайтларида бутун дунёни ўз ўқидан чиқариш, уни ҳалокат ёқасига олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги изтиробли хаёллар кекса дилни нақадар аччиқ ва аламли ўйга солганини бир лаҳза ҳис қилгандай бўламан!

Чиндан юксаклик инсонни ўзи каби юксалтира боради. Халқимиз бекорга фарзандларига «Бошингни баланд тут», деб такрор ва такрор таъкидламайдилар. Ёвузлик, қабоҳат эса тунни, зулматни ўзига ошно қилади. Қора ниятлилар очиқ қурашга ярамайди. Ҳатто юзидан ниқобини олишга кўрқади. Тоғутошларда писиб, курашнинг энг номард, энг паст йўлини танлайди.

Террор... Бугунги кунда бу сўздан жирканмаган, ундан нафратланмаган, безмаган, уни лаънатламаган инсон йўқ.

Москвадаги портлатилган биноларни кўриб кичкинам йиғлаб юборди: «Ойижон, улар жуда ёмон одамлар-а, биз худога шукур қилишимиз керак-а, худо қачон уларнинг жазосини беради, айтинг ойижон, айтинг?» Мен унинг ҳайрат, умид, илтижога тўла қоп-қора кўзларидан дувиллаб оқаётган ёшни артар эканман, унинг безиллаб қолган юракчасини тинчитиш учун қўлимдан келганча ҳаракат қилар эканман, бу нурларга чўмилиб ётган Она замин, Она Ўзбекистон, тинч ва осуда ҳаёт, қоракўз болаларимиз, Истиқлолимиз нондек табаррук ва тансиқ эканлиги, Аллоҳдан берилган бу буюк неъмат — тирикликни асрамаслик гуноҳи азим эканлигини янада теран ҳис қиламан. Инсон бир бурда нон билан қорни тўяди. Лекин зару-зарларга Ватанни топиб бўладими? Туганмас тиллоларга тип-тиниқ осмондаги оппоқ булут парчасини топиб бўладими? Гўдагингизнинг ширин уйқусидаги ширин табассуми, ҳовлингиз тўрида кўкдан тушган фаришталардек ўтириб, сизни туну-кун дуо қиладиган ота-онангиз... Уст-бошингизни оқ ювиб - оқ тараб, елкангизни силаб, ишга кузатаётган аёлингиз. Ёки сизга топган-тутганини кўтариб келиб, остонадан кирмай: «Ойинг қани, чақир ойижонингни», — деб турган жуфтингиз... Булар бари ғанимат умр, огоҳлик учун урилган бонгдир. Маккор ғанимнинг ич-ичимизда сездирмай яшашига йўл қўймаслик, бир-биримизни вақтида огоҳлантириш, севиш ва асраш туйғуси, ҳар бир карич тупроғимизни оятлар янглиғ илоҳий муҳаббат билан севишга бурчлилигимиз ҳақидаги Бонгдир. Биз шу Ватанни, Муқаддас Эркни, ўзимизни огоҳлик ҳисси ила сева ва асрай олмас эканмиз, унда бизни Худо ҳам, банда ҳам, ўзимизни ўзимиз ҳам кечирмаймиз.

Яна улуғ Толстойга қайтаман. «Ёмон иш қиладиган одам ёруғликни жуда ёмон кўради ва қилмиши фош бўлишидан қўркиб, ёруғлик сари бормайди. Инсониятнинг хаёти тўғрисида ўйлаб сўз юритмоқчи бўлсанг, хаётдаги бир нечта текинхўрнинг эмас, инсониятнинг хаёти тўғрисида ўйлаш ва гапириш керак».

Остонангизга тўкилаётган қуёш нурлари сиздан огоҳлик сўраяпти, азиз юртдош! Табаррук тонглар, улуғ руҳлар, шу кунларга етолмай, кўзи очиқ кетган авлоддошларингиз, қатағонларда гулдек умри хазон бўлган она-ю, оталаримиз сиздан огоҳлик сўраяпти, азиз биродар!

Она заминни, мустақил юртимизни, онангизни, ёрингизни, болангизни, дўстингизни қучгандек маҳкам қучинг, маҳкам бағрингизга босинг, азиз миллатдош! Сиз Ватанни шундай севар экансиз, сиз ҳар тун ўз-ўзингиздан шундай **ОГОҲ** экансиз, ўз қалбингиз ила муҳтарам юртбошимиз ва Ватанингиз ёнида экансиз, олис тоғлар ортидаги террор талвасага тушади, чўнг тоғлар тоши чўғ бўлиб оёқларини қуйидиради, ер домига тортади. Зеро, Аллоҳ бандасини бу дунёга зулм қилиш, ноҳақ қон тўкиш, гўдаклар умрига завол бўлиш учун эмас, аксинча бу оламда жаннатлар яратиш учун Эзгулик Элчилари қилиб юборилган. Бундай улуғ Ҳақиқатга бўйсунмаган кимсалар эса Худонинг қаҳрига лойиқдурлар.

Сиз эса огоҳ бўлинг, огоҳ бўлинг, огоҳ бўлинг, азиз юртдош!

*Шарифа САЛИМОВА*

***Навбаҳорлик пахтакорлар жорий йилда давлатимиз хирмонига 30 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топшириши аҳд қилганлар. Айни кунларда эса туман далаларида қизғин пахта терими бошлаб юборилган.***

***Бу борада, айниқса, «Зарафшон» жамоа хўжалигида пахта терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хўжаликдаги мавжуд 720 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 28.5 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олиш кўзда тутилмоқда. Бу ерда ҳар куни йиллик режанинг 5-6 фоизи миқдорида пахта териляпти.***

**Суратларда: 1. Илғор теримчи Дилнавоз Эшмуродова бошқаларга ўрнак бўлмоқда. 2. Пахта топшириш пайти.**

*Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.*

# Муносиблар танланади

*Партия ахбороти*

*ЎзХДП Боғот туман кенгашининг пленумида кўриб чиқилган асосий масалалардан бири — халқ депутатлари туман Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловларда партиядан муносиб номзодлар кўрсатишга бағишланди. Туман кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган ўттиз нафар партия фаолларининг барчаси қишлоқ хўжалигида, саноат ва маиший соҳаларда узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган, ўз жамоаларида обрў-эътибор қозонган кишилардир. Улар орасида хўжалик бошлиқлари, мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари бор.*

*Пленум қатнашчилари бўлғуси сайловларда мамлакатимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қиладиган кишиларни депутатликка сайлашга эришиш мақсадида қилиниши зарур бўлган вазифалар ҳақида фикрлашиб олдилар.*

*Пленумда ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ғ. Машарипов, Боғот туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Ш. Хўжаниёзовалар сўзга чиқдилар.*

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# Юксаклик сари

*Мулоҳаза*

Бугун маънавий-маърифий ишлар мутахассислари онгида янгича мустақиллик дунёқарашини, миллий мафкура ғояларини, умуминсоний қадриятларни баҳолай олиш каби фазилатларни шакллантириш вақти етди. Шу муносабат билан жорий олий таълим йўналишлари классификаторида бу йўналиш ва ихтисослик ўз ўрнини топиши долзарб масала бўлиб қолди.

Шу ўринда маънавий ва маърифий ишлар мутахассислари тушунчасига аниқлик киритиш жоиз бўлади. Яъни, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидаги «Маънавият асослари», «Шахс ва жамият» фанларининг ўқитувчиларини назарда тутаяпмиз. Улар мазкур ўқув юртларида маънавий-маърифий ишлар ташкилотчиларидир. Бундай мутахассисларнинг жамиятимиздаги ўрнига яна тўхталишга ҳожат йўқ, чунки Президентимизнинг деярли барча асарлари, нутқларида бу ҳақда аниқ-равшан фикрлар айтилган.

Хуллас, маънавий-маърифий ишлар бўйича бундай кадрларнинг савияси, уларнинг қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши тўғрисида фикр юритайлик. Шу муносабат билан, аввало, маънавият деган тушунчани ойдинлаштиришни истар эдик. Бу уч йўналишни, яъни маърифат, маданият ва тарбияни қамраб олади. Маълумки, маърифат комил инсон тушунчаси билан боғланади ва у барча дунёвий илмларни эгаллашни билдиради. Маданият инсонларнинг миллий руҳияти билан боғлиқ тушунча бўлиб, маърифатни миллийлаштиради, инсонларнинг яшаш тарзини намоён қилади, тарбия эса маърифат ва маданиятни инсон шахсида шакллантириш усулидир. Бу уч тушунча бир-биридан айри ҳолда мазмунан кучсизланади. Шу боис, ҳам улар маънавият тушунчаси билан бирлашади. Демак, маънавий-маърифий ишлар ташкилотчилари, муаллимлари илму маърифат эгаси, маданият соҳиби ва юксак ғоялар руҳида тарбияланган ва уларда қуйидаги билим ҳамда кўникмалар шаклланган бўлиши керак:

— улар, аввало, ижтимоий педагог сифатида шаклланишлари, бунинг учун эса ижтимоий педагогика, оила, халқ педагогикаси, ёш педагогикаси фанларининг назарияси ва амалиёти, уни ҳаётга — таълим жараёнига татбиқ қилиш методикаси ва технологиялари билимлари билан қуролланган бўлиши;

— амалий психология илмларини эгаллаган бўлишлари, бунинг учун эса миллий психология, ёш психологияси, психодиагностика, ижтимоий психология, этник психология, меҳнат ва касб танлаш психологияси, психокоррекция, уни ҳаётга жорий қилиш методикаси, технологияларини юксак даражада билиши ва кўникма ҳосил қилган бўлиши;

— ўзбек ва жаҳон адабиёти, санъати намояндалари ва уларнинг асарлари дурдоналарини тушуниш ҳамда уни таҳлил қилиш техникасини эгаллаган бўлиши;

— миллий давлатчилигимиз тарихи билимларига эга бўлиши, ўзбек халқининг истиқлолга эришиш саъй-ҳаракатлари, унинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тушунтириб бера оладиган даражадаги билимли ва бунинг учун эса ўзбек ва жаҳон халқлари тарихини пухта ўрганган бўлиши;

— умуман, теологик маълумотга, хусусан, ислом дини назарияси, унинг амалиётини яхши таҳлил қила билиши, «Қуръон» оятлари, «Ҳадис»ларни талқин қилиб бера олишлари;

— дунёни билиш қонунлари бўйича, сиёсий ва мафкуравий тайёргарликка эга бўлиши, шарқ фалсафаси, социология, сиёсатшунослик каби фанларни чуқур билиши, сиёсий мавзуларда маъруза ўқиши, вақтли матбуот хабарларини йиғиш ва уларни қайта ишлаш технологиясини юксак даражада ўзлаштириши;

— давлат ва инсон ҳуқуқлари, шахс, фуқаро манфаати ва бозор иқтисоди қонунлари, маркетинг, менежмент асосларидан хабардорлиги;

— тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикасини, ишонтириш, нутқ маданияти, шахснинг энг муҳими, жамоа ҳамда ўзи алоқада бўладиган турли тоифадаги кишилар билан тез чиқишиб кетиш малакасини эгаллаши заруратдир.

Бу ишларни амалга ошириш учун, аввал таъкидланганидек, мавжуд олий таълим йўналишлари классификаторига тегишли ўзгартириш киритиш лозим.

Шуни айтиш жоизки, маънавий ва маърифий ишлар мутахассисларини алоҳида йўналиш сифатида классификаторда акс эттириш кутилган натижани бермайди, балки уларнинг бирон-бир йўналиш бўйича фундаментал билимга эга бўлиши жуда ҳам зарур. Аслида маънавий ва маърифий ишлар мутахассисликларини «Ўзбек (қозоқ, рус) тили ва адабиёти», «Мусиқа», «Бошланғич таълим» каби йўналишлар билан биргаликда тайёрлаш ҳам мумкин. Бизнингча, бундай мутахассисларни бакалавриатнинг «Тарих», «Педагогика ва психология» йўналишлари билимлари негизида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда «Тарих» йўналиш негизида тайёрланадиган бўлса, педагогика ва психология билимлари кучайтирилади, «Педагогика ва психология» йўналиши негизида тайёрланадиган бўлса, тарих ва бошқа сиёсий-ижтимоий фанлар билимларига алоҳида эътибор яратилади.

Ўрта умумий мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларини жадал суръатларда маънавий-маърифий ишлар мутахассислари билан таъминлашнинг энг мақбул усули қайта тайёрлаш тизимидан фойдаланишдир.

Яна бир масала. Юқорида маънавий ва маърифий ишлар мутахассисларини режали тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақида фикр юритдик ва бу истиқболдаги ишлардир, лекин бундай мутахассисларга шу бугуннинг ўзида ўта муҳтожлик бор. Шу муносабат билан ҳозирги педагогика олий ўқув юртларининг юқори курсларида ана шундай ишларга уқуви бор талабалардан саралаб зудлик билан маънавий ва маърифий ишлар мутахассисларини тайёрлашга киришиш ҳам давр талаби бўлиб турибди.

Университетимизда ҳар учала йўл билан маънавий ва маърифий ишлар мутахассисларини тайёрлаш учун зарур бўлган барча меъёрий ҳужжатлар яратилмоқда. Ўйлаймизки, вазирликларимиз, таълим бошқармалари таълим хизматининг бу туридан фойдаланишга шошиладилар. Ана шундагина ёшларни тўғри йўлга бошлайдиган, ҳар хил ташқи таъсирлардан сақлайдиган, ёшлар миллий онгининг шаклланишига тўлақонли раҳбарлик қила оладиган мутахассисга эга бўлиш мумкин.

***Б. ҚОДИРОВ,***
***Низомий номидаги ТДПУ ректори, профессор.***
***С. АШИРБОЕВ,***
***Низомий номидаги ТДПУ проректори, профессор.***

# Маъмурчилик белгиси

Бозорлар энг аввало маданий ўчоқларда пайдо бўлади. Негаки, қадимда савдогарлар бозорларда маданиятни-да юртдан юртга олиб юришган, тарқатишган. Шу важдан энг гавжум жойлар бозорлар учун макон бўлган. Балки, «Бозор кўрган йигит» ибораси ҳам шунинг замирида пайдо бўлгандир. Нима бўлгандаям, бугунги кунда бозорлар мамлакат мавқеини маълум даражада кўтарадиган воситалардан биридир.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Зияддин» деҳқон бозорининг тарихи ҳам кўп қадимга бориб тақалади. «Буюк Ипак йўли»нинг сўқмоқлари туташган ерда жойлашган бу бозор бир замонлар Шарқ билан Ғарбни боғлаган маданият ўчоғи ҳисобланган. Айни кезда эса Пахтачи тумани иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ушбу бозорнинг ҳам ҳиссаси бор. Туманда истиқомат қилаётган 110400 аҳолининг турмуш даражасини, дастурхонининг маъмурчилигини белгиловчи муҳим гўша бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда «Султонобод», «Чоршанба», «Даъбусия-Қалъа», «Деҳқонобод» бозорлари ҳам унинг таркибига киритилган. Бу бозорларда саноат ва уй-рўзғор буюмларининг мўллиги, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сероблиги кўзларни қувонтиради.

Бозор маъмурияти Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбилар тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида иш олиб бораётганлиги ибратлидир.

Жорий йилнинг 7 ойида 8647,2 минг сўм тушум давлат бюджетига ўтказилди. Бу ўтган йилга нисбатан 6969,9 минг сўмга ошиқ демакдир. Шу ўринда Ғулом Омонов, Одил Қиличев, Аброр Муродов, Эшқувват Эшманов, Отамурод Очилов каби фаол ишчи-ходимларнинг меҳнати таҳсинга сазоворлигини айтиб ўтмоқ лозим.

— Жорий йилда 3,0 миллион сўмлик қурилиш-безаш ва таъмирлаш ишларини бажардик, — дейди деҳқон бозори раҳбари Баҳриддин Эргашев (суратда). — Бозор майдони кенгайиб, қўркамлиги ва қулайлиги янада ошди. Шу боисдан бозорларимизга нафақат туманимиздан, балки Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятларидан келган деҳқонлар ҳам ўз маҳсулотларини шу ерда сотишмоқда.

Бозор харидорлар билан доимо гавжум. Бунинг сабаби, барча турдаги маҳсулотлар бошқа бозорларга қараганда анча арзонлигидир. Масалан, 1 кг. гўшт — 350-400 сўм, тарвуз — 7-8 сўм, қовун — 10-12 сўм, картошка — 20-25 сўм, помидор — 5 сўм, буғдой — 40 сўм, арпа — 25-30 сўмни ташкил этаётир.

Шарқ халқларида бир мақол бор: «Элнинг маъмурчилигини билмоқчи бўлсанг, бозорларини кўр». Ушбу ҳикмат Пахтачи бозорлари шаънига айтилгандек гўё.

***Ўткир ПЎЛАТОВ,***
***Самарқанд вилояти***

## Миллий саноат: Ўзбекистон энергетикаси

# Чақмоқлар

— Нега ўшанда айнан Сирдарё ГРЭСини танладингиз? — сўрайман Баҳодир акадан у кишига бўлган қизиқишим ортиб. Суҳбатдошим бир зум тин олдию, ширин хўрсиниб қўйди...

— Биз — ёшларда катта ишлар, катта қурилишларга интилиш, аниқроғи талпиниш кучли эди. Сирдарё ГРЭСи эса ўшанда биз учун идеал, яъни қалбимизнинг шох орзусидек эди. Мақсадларимиз тимсолини шу жойларда кўраётгандек бўлардик. Ёшлик эса бир орзу қилмасин. Орзу қилдими — унинг йўлида ҳатто жонини фидо қилишдан ҳам тоймайди...

Оқ-сарикдан келган, ўрта бўйли, бир қарашда кўзга кўпам ташланмайдиган бу йигит билан ҳамсуҳбат бўлиб қолгудай бўлсангиз, доим уни излагингиз, ёнида бўлгингиз келаверади. Ушлаган жойини кесадиган, айтган сўзидан қайтмайдиган, айни пайтда мард-улфати инсон. Ўртоқлари уни баъзан ўқиш жинниси деб кулиб қўйишарди. Чунки билим, ўзи танлаган соҳага қалби, вужудидан берилган эди.

Фарзандлар бор — ота йўлидан кетади, фарзандлар бор — ҳаётда мустақил йўл тутади. Баҳодир ота касбини ғоят ҳурматлар ва эъзозлар эдию, аммо ўзига йўл танлашга келганда қалбига қулоқ соладиганлардан чиқди. Отаси Асқар Абдурахмоновни Тошкент матбаачилари яхши билсалар керак. Оз эмас, кўп эмас, 43 йил шу соҳада меҳнат қилдилар, кўплаб шогирдлар етиштирдилар. Баҳодирнинг икки акаси ҳам шу йўлни танлади. Баҳодир эса муҳандисликни орзу қиларди.

Етмишинчи йиллардаги Тошкент политехника институтининг нуфузи қай даражада бўлганини ўша давр ёшлари яхши биладилар. У ерга ўзига ишонган, аниқ фанлар мағзининг таъмини тотиб кўриб, данагини чақа оладиганларгина борар эдилар. Баҳодир ҳам ўшандай асл йигитлар тоифасидан эди. Энергетика соҳасини танлаб, у ерга юқори баллар билан ўқишга кирди. Бу унга ҳаётидаги дастлабки бахт юлдузининг жилмайиши эди. Учинчи курсга борганда йигит жамолига яна бир юлдуз «жилмайди». Бу — Озода эди... Улар бирга ўқир эдилар. Ўқишни тугатгач, уларнинг никоҳ тўйлари бўлди...

Ишга йўлланма олишда ҳам Баҳодир ўзига хос йўл тутди. Тақсимот муаммоларини бошига бу иш тушганлар яхши билишади. У пайтдаги сансоларликларни кўрсангиз. Баҳодир Абдурахмонов чўчиб ўтирмай тўғри энергетика ва электрлаштириш вазири қабулига ёзилди. Вазир ҳам танти одам экан, бу қанақа ёш бола, менинг ҳузуримда нима қилади, муовинларим, ёки бошқармага борсин деб ўтирмади. Уни қабул қилишга рози бўлди. Йигитни кўргач ва арз ҳолини тинглагач эса:

— Бўпти ўғлим, сен хоҳлаганингча бўла қолсин, сенга Сирдарё ГРЭСига йўлланма берамиз, — деди. Вазир қабулидан чиқиб келаётган эндигина 22 ёшни қаршилаётган йигитнинг шодлигию ички ҳолатини тасаввур эта оларсиз албатта. Ҳа, ақл, хоҳиш билан бирга шижоат ҳам бўлиши керак...

Кечагина уйланган ёш куёв, ҳали чилласи чиқмаган келинчак ҳамкору-ҳамқадам бўлишиб, ўша пайтларда тилларда достон бўлиб ётган Ширин шаҳри заминига қадам қўйдилар. Икки ёш муҳандис учун нақадар ҳаяжонли эди бу дамлар...

Рости, бу жойга келувчилар ҳам кўп эди — кетувчилар ҳам. Шунинг учун бўлса керак, бу каби келди-кетдиларга айтарлик эътибор берилмасди. Маҳаллий миллат кадрлари эса эътибор жиҳатидан энг сўнггги ўринларда эди ўша вақтлар. Ёзилмаган қонун, дейишадику. Бу ҳақда гапирилмас, таъна қилинмас, аммо кимга зарур бўлса — ўзи яхши тушунар эди. Энергоблок қурувчилари ҳам, монтажчилари ҳам ва албатта бирин-кетин ишга тушурилаётган энергоблоклар тақдири ҳам ўшанда «улуғ»лар қўлида эди. Улар фикрича, бизларнинг миллий кадрларимиз ҳали пишиб етилмаган, бу каби улкан ва мураккаб ишларнинг мағзини чақишга «тишлари ўтмас» эди.

Ана шундай ҳам улкан кўтаринкилик, ҳам оғир ва мураккаб жараёнлар бораётган дамларда Баҳодиру Озоданинг бу ерга келиши кимнинг ҳам ҳаёлини бўлибди дейсиз. Улар тезликда қурилиш бўлаётган жойни топиб олдилар. Чунки Ширин дегани бу — ГРЭС дегани эди. Улкан нурхона бунёд этилаётган жой эса катта, ваҳимали чумоли уясини эслатарди. Бир тарафдан қуёш жазирамаси, бир тарафдан - шамол. Бекобод яқин эмасми, Ширинни кучли ва кучсиз шамоллари билан «сийлаб» турарди. Сон-саноқсиз юк машиналари, самосваллар у ёқдан бу ёққа қатнайди, ўкириб-чиранаётган трактору-булдозерларнинг ҳам сон-саноғи йўқдек. Овозингиз борича бақирмасангиз сизни ҳеч ким эшитмайди...

— Вой-бў-ў-й! — деб юборди Озода улкан юк машинаси кўтарган тумонат чанг-тупроқ остида қолар экан. Қитмир шамол эса уларни бир зумда «оппоқ» қилди-қўйди...

— Бардам бўлинг, бу ҳали бошланиши, — тегажоғлик қилди Баҳодир оғзидаги чангларни тупуриб, эгни-бошини қоқар экан. Бу эса Ширин шаҳри, нурхона, ўзларининг бўлажак орзу-умидлари боғланган жойлар билан дастлабки жиддий учрашувлар эди...

Ҳар қалай илгари кўрқишганидек, улар кўчада қолишмади. Бир амаллаб ётоқхонадан жой олдилар. Бир хоналик уйни эса оз эмас-кўп эмас, бир йил кутишга тўғри келди.

Ишларининг бошидаёқ икки ёшга бу ерда ҳам омад кулиб боқандек эди. Баҳодирни 1-қозон-трубина цехига трубина назоратчисига ёрдамчи қилиб қўйишди. Озода эса кимё цехида лаборант бўлиб ишлай бошлади. Хуллас, бу томонидан ҳамма нарса улар орзу қилишганидек бўлган эди.

Балки бирор ишга жойлашиб олиш у қадар қийин эмасдир. Ҳар қалай таниш-билиш топасиз, елиб югурасиз, бир иложини қилиб ўша кўзлаган ишингизга ўрнашиб ҳам оларсиз. Лекин энг қийини — ўша ишни эплаб кетишда қолади. Кимнинг — ким эканлиги аслида иш жойида билинади. Уқувингиз борми-йўқми, шу ишга яроқлимисиз, бировга ишониб юрибсиз, ёки ўзингизгами...

Баҳодирнинг раҳбари Владимир Донских эди. Уни содда қилиб Володя дейишарди. Володя асосий назоратчи, Баҳодир ёрдамчи. Бошлиғи ёш йигитга ҳам иш буюриши, ҳам ўргатиши керак эди. Володя ишни талаб қилишни билар, жойи келса танбеҳ, дакки қилишдан ўзини тиймас, аммо иш ўргатишга келганда ўзини билмаганликка соларди. Баҳодир ҳам аноийилардан эмасди. У бир умр кимларгадир ёрдамчи бўлиб қолиб кетишни хоҳламасди албатта. Тезроқ иш ўрганиши, улкан нурхонанинг нозик сирлари, икир-чикирлари, оғирию енгилини у кабилар билмаса — кимлар билиши керак ахир? Илгари ўқиш даврида илм олишга қанчалар чанқоқ бўлса, энди иш ўрганишда ундан ҳам уқувли, эпчил, энг муҳими — чидамли, бардошли бўлиши лозим эди.

Цехда Володя билан бирга Хайрулла ака Файзуллаев деган киши ҳам ишларди. У ҳам трубина назоратчиси эди. Гарчи, Хайрулла ака Баҳодирнинг бевосита раҳбари бўлмасада, ундаги интилиш, ҳаракатларни сезиб, ёрдам берар, иш ўргатар эди. У одам кўпни кўрган, ўз ишини яхши биладиганлардан эди. Рости, Баҳодирнинг дастлабки йили оёққа туриб олишида бу одамнинг ўрни, меҳрибончилигию, устозлик салоҳияти катта бўлди. Чунки, бу ишнинг ўзига хос оғир ва мураккаб томонлари бор, айниқса буғ қозони, бу билан мослашган бошқа агрегат ва ускуналар лойиҳа чизиқлари устида бош қотирмасанг, уларни яхши билиб олмасанг обрўйинг бир чақа эди. Мураккаб лойиҳалар устида Баҳодир эринмай бош қотирар, Хайрулла ака эса бу борада қўлидан келган ёрдамини аямас эди.

Орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас Хайрулла ака турмуш тақозоси билан Сурхондарёга кетиб қолди. Лекин бу орада унинг севикли шогирди бўлиб қолган Баҳодир оёққа туриб олган, ўз ишини бемалол эплай оладиганлардан бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам у бир йилча вақт ўтар-ўтмас ёрдамчиликдан назоратчиликка ўтди. Яна бир ярим йилдан сўнг эса блок машинисти бўлди. Бу эса ўз сохаси бўйича жиддий қадам эди. Чунки бир машинист қўл остида иккита назоратчи, ҳаммаси бўлиб 5 нафар масъул вазифадаги мутахассисларга бошчилик қилиши лозим эди.

Яна бир йилдан сўнг уни катта машинист вазифасига кўтаришди. Кейинчалик эса смена бошлиғи бўлди. Бу эса шу ерда ишлаётган миллий кадрлар орасидан бу каби оғир, мураккаб ва масъулиятли вазифага кўтарилаётганлардан бири эканидан далолат берар эди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас, яъни 1982 йилга келиб Баҳодир Абдурахмонов ГРЭСнинг 1-қозон трубина цехига бошлиқ бўлди. Ўша пайтда унинг қўл остида 90 дан ортиқ одам ишлар эди. Бу ердаги иш йиллари унинг учун айниқса фойдали бўлди. Чунки у бу ерда нафақат ўз билим ва тажрибасини ишга солиши, айни пайтда одам таниш, кўпчилик билан ишлаш, миллий ва маҳаллий кадрларни тарбиялаш, ўстириш имконига ҳам эга бўлган эди...

Баҳодир трубина цехини бошқара бошлаганида 29 ёшда эди. Бу қайноқ ва масъулиятли ишда ҳам узоқ қолиб кетмади. Иқтидорли, ғайрат ва билимга йўғрилган қалб эгаси бўлмиш бу йигитни уч йилдан сўнг бош муҳандис муовини этиб кўтардилар. Қаранг, атиги ўн йиллик давр мобайнида оддий трубина назоратчисининг ёрдамчиси бўлиб, қора мойларга беланиб юрган ёшгина йигит эндиликда бош муҳандис муовини пиллапоясига кўтарилган эди. Рости бу каби шижоат ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Баҳодир ва Озоданинг шу пайтга қадар босиб ўтишган ҳаёт йўлларини жўшқин бир достонга ўхшатиш мумкин. Севмоқ, севилмоқ, униб-ўсмоқ, ўз қалбларини, ҳаёт сирларини ғанламоқ, ҳаёт довонлари оша юксалмоқ, фарзандлар ўстирмоқ, олис-олисларга биргаликда сафар қилмоқ... Ахир булар ширин, жўшқин ҳаёт

1

# Чақнаган

достонининг ўзгинасику!..

ГРЭСнинг ҳозирги ҳолатини ҳам худди Баҳодир, Озода каби унинг бағрида ўсиб-улғайган фарзандларига қиёслаш мумкин. Эл-юрт бу улкан нурхонани барпо этгунча озмунча қийналдими, озмунча сарф-ҳаражатлар қилди дейсизми? Баҳодир каби асл ўғлонларини тарбиялаб камолга етказгунчачи?..

Эндиликда давлат, юрт ўз бағрида улғайган нурхона қудрати, қувватига муҳтож бўлганидек, нурхона эса Баҳодир каби ўғлонларининг ақл-заковати, меҳри, илм ва тажрибасига муҳтож эди. Бунинг устига айни нурхонанинг ҳам, шу билан бир пайтда чин ўғлонлар ҳаётида ҳам чинакам синов даврлари бошланмоқда эди. Чунки серқуёш юрт узра Мустақиллик, Истиқлол шабадалари эса бошлаган эди.

Келинг, бу ўринда гапни сал олдинроқдан бошлайлик. Чунки ҳеч нарса, айниқса улкан воқеалар ҳеч қачон бирданига бошланиб қолмайди, унинг дастлабки шабадаларию, кейин эса иситма каби хуружлари, сўнгра бўронлари ва суронлари бошланади. Корхонани вайрон этувчи бўронлардан асраб қолиш учун эса иситма хуруж қилган вақтларидаёқ дард малҳамини топмоқ зарур бўлади.

Москвадан қайтгач, унга яна ўз вазифаси — бош муҳандис ўринбосари вазифасини беришди. Бу пайтга келиб нурхонадаги вазият бундан икки йил олдин, яъни у малака ошириш сафарига жўнатаётган даврдан анчагина фарқ қилар эди. Йўқ, корхонанинг техник ҳолати жиҳатидан эмас, балки жамоадаги вазият нуқтаи-назаридан эди. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши бу ерда асос ва ўзак мавқеида бўлган «улуғ»ларнинг энсасини қотирган эди. Бир қарашда бу улкан корхона тақдири улар қўлида эди. Лекин хаётда, амалда бу ҳақиқатан ҳам шундай эмаслиги, бу юртнинг ҳам ўз жонкуяр ўғлонлари борлиги, уларнинг ҳам қўлидан иш келиши, керак бўлса мураккаб шароитларда ўзларини кўрсата олиши мумкин эканликларини исботлаш лозим эди. Бу эса айтишга осон, қилиш эса қийин, ўта мураккаб...

Ўша пайтларда тезлик билан корхонада муҳитни соғломлаштириш вазифаларини хал этишга киришилди. Бир тарафдан давлат тилини ишлаб чиқаришга жорий этиш, иккинчидан бу тилни билмайдиган ва билишни хоҳламайдиганлар билан муросаи-мадора қилиб, вазиятни юмшатиш лозим эди. Корхонада Давлат тилини ўрганиш бўйича йирик қўмита тузилди. Унга раҳбарлик қилиш эса Баҳодир Абдурахмоновга юклатилди. Чунки уни русизабонлар ҳам, маҳаллий миллат кадрлари ҳам ўз одамлари деб билишар эди. Ҳар томоннинг унга бўлган ишончлари, ҳурматлари ҳам ўзгача эди албатда.

Баҳодир нурхона раҳбарлари, фаоллари, жамоа етакчилари билан ҳамкорликда чиндан ҳам кўзга кўринмас, аммо жуда ўринли ва фойдали, айни пайтда узоққа мўлжалланган ишларни бошлаб юборди. Тезлик билан тил ўрганиш курслари очилди. Кайфияти бузилиб, барибир кетаман деб юрганларни тинчлантириш, қалбларини хотиржам этиш чоралари кўрилди. Айни пайтда эса тезлик билан энг зарур жабҳаларга миллий кадрларни тайёрлаш чоралари кўрила бошланди. Бунда кўпни кўрган жонкуяр устозлар тажрибаси, саъй-ҳаракатлари қўл келарди. Шерали Усмонов, Мэлс Мирзаев, Эмир Валиев, Нўъмон Раҳмонбердиев, Маҳмуд Бегалиев, Мирзаахмад Шоимов, Маматқул Сафаров, Маҳмуд Мирзахолов ва бошқалар ана шундай жонкуярлардан эдилар.

Истиқлолимиз арафаси, яъни 1990-1991 йил бошларида нурхонада 2301 кишилик жамоа ишлаётган бўлса, шундан учдан бири, яъни 35-40 фоизини миллий кадрлар ташкил этарди. Инженер-техник ходимлар сафидаги миллий кадрлар сафи эса аранг 18 фоизга борар эди. Кўриниб турибдики, масала анча мушкул, бошқача айтганда изохга ҳожат йўқ.

Ана шундай бир ҳолатда «улуғ»лар ибораси билан айтганда, «муз кўчиши» бошланди. Яъни Ширин номи билан аталган нурчилар масканидан Шимол томон одамлар кўча бошлаган эдилар. Ўша пайт-

**Очерк**

ларни ширинликлар ҳали кўп эслаб юришсалар керак. Деярли ҳар куни ҳар бир «дом» — кўп қаватли уйлар олдида 3-4 тадан контейнер, яъни юк ортгичлар турар эди. Баъзи кунлари айтишларича, контейнерлар сони 150 тадан ошиб кетарди. Бу оз эмас - кўп эмас, уч йилча давом этди. Ҳеч ким бу воқеаларни зимдан уюштирилган деб айтмайди. Албатта, бу ҳам ўзини кўрсатиб қўйиш, қадрини ўтказиш, бизсиз нима ҳам қила олардинг, ҳолингни кўрамиз, қабилидаги ҳаракатлар эди албатта.

Бизнинг техник зиёлиларимиз, шу соҳа ишониб топширилган раҳбарлар ўшанда ғоят олийжаноблик кўрсатдилар. Ҳеч ким бировни кет, ёки ҳеч бўлмаганда кетсанг-кетавер, сенсиз ҳам кунимиз ўтади, дея терслик қилмади. Аксинча, кетишга ният қилган ҳар бир киши билан суҳбат ўтказилди. Нега кўчмоқдасиз, кимдан, нимадан хафасиз, деб сўралди. Бу эса заифлик эмас, юксак одамийлик белгиси эди албатта. Мана орадан шунча йиллар ўтди, лойиқа сувлар тинди, ҳар қайси дарё ўз ўзанини топди. Ширинликларнинг эса юзлари ёруғ. Шошилиб кимларнингдир «вос-вос»ларига учиб кетганлар орасида орқага қайтгувчилар ҳам бўлмоқда. Не афсус-надомат, армонлар тўла мактублар ёзаётганлар ҳам бўлмоқда. Сирдарё нурхонаси эса сокин, гуриллаб ишлаб турибди. Республикамиз ҳукумати, вазирлик, маҳаллий ҳокимликлар, нурхона жонкуярларининг ўша ва кейинги кучли саъй-ҳаракатлари туфайли «муз кўчган» даврларда нурхона ҳатто пинагини ҳам бузмади. Олдин қандай бўлса-шундайлигича гуриллаб тураверди. Бу эса ҳам халқимизнинг, ҳам шу жамоанинг бахти эди албатта. Ана шуларни ўйлаганда ўнлаб, юзлаб Баҳодиру-Озодаларимизни кўз олдимизга келтирмай бўладими!..

Бошқалардан ўлароқ ГРЭС шундай жойки, бу ерда бўш қолган ўринга кўчадан иш сўраб келган одамни тўғридан-тўғри олиб келиб ишга қўйиб бўлмайди. Ҳар бир ўринга — хоҳ у оддий, хоҳ мураккаб бўлсин, раҳбарларнинг таъкидлашларича, 2-3 йил тайёргарликсиз нурхона остоналарига яқинлаштириб бўлмайди. Ана шундай шароитларда Истиқлолимиз оёққа турган ва тураётган йилларда бу ерда миллий кадрларни тайёрлаш, ўстириш бўйича катта ва улкан «заргарлик» ишлари олиб борилди. Энди бўлса жамоанинг салкам 70 фоизини ўз кадрларимиз ташкил этмоқда, инженер-техник ходимлар икки-икки ярим бараварга кўпайди. Кўрибсизки, бизлар ҳам аноийилардан эмасмиз...

Корхона раҳбари ким? У — жамоа боши. Хўш, бош муҳандисичи? У жамоанинг ақли ва юраги. Бундан икки йилча муқаддам, яъни 1997 йилнинг сентябрь ойида Баҳодир Абдурахмонов фаолияти ўзгарди. Уни Сирдарё ГРЭСининг бош муҳандиси этиб тайинладилар. Бу юксак лавозимга Баҳодир аканинг тасодифан келиб қолмаганини энди биз яхши биламиз. Орадан икки ой ўтгач эса нурхона тарихида биринчи бор ўз миллий кадримиз Зокиржон Холиқов бу ерга директор этиб тайинланди. Зокиржон билан улар тенгдош эдилар. Янги директор ҳам асли шу ерлик, яъни Ширин шаҳри ҳудудидаги Фарҳод маҳалласидан бўлади. Шу ерда ўсган, улғайган. Сўнгра вазирлик йўлланмаси билан Толимаржон, Муборак ГРЭСларида ишлаб келган. Баҳодир, Зокиржон каби ўғлонлар ҳақида қиссалар, достонлар яратса арзийди. Уларни чиндан ҳам истиқлолимиз фидойилари демай бўладими? Икки дўст, икки ҳамфикрнинг бир жойда бошлари қовушгани жамоанинг бахти. Шундай бир улкан нурхонадаги ҳамфикрлик, ҳамжиҳатликни қадрламай бўладими?

Директор, бош муҳандис билан гаплашар экансиз, бир нарсани сезмай иложингиз йўқ. Улар ишлари, ҳаракатлари билан шу кунда, лекин фикр, орзулари билан келажакда юришибди. Ҳа, бунга ишонаверинг. Вақт ўтиши билан ҳар қандай нарса ҳам маънан, ҳам жисмонан эскиради, бу янгилик эмас, дейди бош муҳандис. Шу жумладан — корхона ҳам. Лекин биз бу каби улкан нурхонамизнинг эскириб боришига бефарқ қараб тура олмаймиз. Майли бизлар қарийлик, ўрнимизга ёшлар келар, лекин нурхонамиз қаримасин, унинг юклари бўлмиш энергоблоклар, трубиналар, турли-туман ускуналар доимо гуриллаб турсин. Ҳозирги саъй-ҳаракатларимиз ана шу улкан ва муҳим вазифани ҳал этишга қаратилган.

Уч йилдирки, республикамизнинг бошқа нурхоналари қаторида Сирдарё ГРЭСи чет эл фирмалари ва ширкатлари, жаҳоннинг энг юксак малакали энергетиклари диққат марказида турибди. Баҳодир Абдурахмонов Германиядаги йирик ва нуфузли фирма таклифи билан икки ҳафта мобайнида Германияда бўлиб келди. Ниҳоят нурхонани таъмирлаш, уни маънан янгилаш бўйича тендер

2

# Жойда

ҳам бўлиб ўтди. Тендерда Германия, АҚШ, Япония, Англия каби мамлакатларнинг 20 га яқин нуфузли фирмалари иштирок этдилар. Фақат биргина Германиянинг ўзидан бу ўзига хос кўрик-танловда тендер ғолиби бўлиш учун 14 та фирма қатнашди. Ва албатта тендер ғолиби ҳам шу давлатдан чиққан экан, бунга энди ажабланмаса ҳам бўларди.

Турли зиналардан кўтарилиб, нурхона бош корпусининг темирдан қилинган тор йўлакчаларидан бошқарув корпуси сари борар эканмиз, унинг ичидаги ўзгача шовқин, иссиқ ҳаво юрагингизни ваҳимага солади, нафасингиз энтикади. Ташқарида саратоннинг жазирама офтоби одамни эритиб юборай дейди. Лекин корпус ичидаги улкан машина, механизмлар бераётган ёқимсиз ҳарорат олдида ташқаридаги жазирама роҳатдек туюлади.

— Буларга қандай чидайсизлар? — сўраймиз бош муҳандисдан соддалик қилиб. Баҳодир ака мийғида кулиб қўяди.

— Четдан келганларга доимо бу ернинг манзараси ваҳимадек туюлади. Бизлар учун эса оддий ҳол, кундалик иш жойимиз. Ҳар қайси блокда 50-60 тадан механизм айланиб туради. Уларнинг ҳар бири ишлаш жараёнида ўз товушини чиқариши шарт. ГРЭС дегани шунақа, қудратли жой, — фахрланиб қўйди суҳбатдошимиз.

— Шовқинлар, ёқимсиз ҳароратни камайтиришнинг иложи йўқми? — сўраймиз яна.

— Бор. Ҳозир шу йўлда катта ишлар олиб борилмоқда.

Европа тараққиёт ва тикланиш банки Сирдарё ГРЭСини ривожлантириш учун 23 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратгани кўпчиликка маълум бўлса керак. Республика ҳукумати ҳам яна шунча миқдорда маблағ ажратган. Буларнинг бари киши қалбини қувонтиради, улкан нурхонанинг эртанги кунига катта умид билан қарашга асос беради. Иккинчидан эса бу ГРЭС нуфузи ва қудрати, республикамиз иқтисодини барпо этишдаги ўзига хос ўрни ва нуфузидан далолатдир.

Тендер савдоси ғолиблари — германиялик мутахассислар келаси йил бошидан бу ерда 7 ва 8-энергоблокларда янгилаш ишларини бошлаб юборадилар. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши улкан нурхонанинг ўзига хос янгиланиш жараёнига қадам қўйганидан далолатдир. Чунки энергоблоклар чет эллик созловчилар қўлидан замонавий бўлиб чиқади. Айтишларича, илгари ҳар қайси энергоблок тўрт йилда бир бор таъмирланиши лозим эди. Энди бўлса 8 йилгача уларга қўл теккизишга эҳтиёж қолмайди. Кафолат, яъни ишончлилик муддати икки баробар ортади. Шовқинлар камаяди, корпус ҳавоси маълум даражада мўътадиллашади. Қарабсизки, бу жойларда бардош билан ўринсиз «қаҳрамонлик» кўрсатишга ҳам эҳтиёж бўлмас. Бошқарувни автоматлаштириш ўта мукаммаллашади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги замоннинг энг юксак талаблари даражасига кўтарилади. Тендер ғолиби бу ишларни қисқа муддатларда, яъни ҳар қайси энергоблокни 150 кун мобайнида саранжомлашни режалаштирганлар.

Нурхонадаги янгиликлар фақат шулардангина иборат эмас. Истиқлол шарофати туфайли имкон қадар четдан келадиган маҳсулотга қарам бўлиб қолишни камайтириш чоралари кўрилмоқда. Биринчи бор таъмирлаш жараёнида ишлатиладиган ускуна ишлаб чиқарадиган давлатлар қаторига Ўзбекистон корхоналари ҳам қўшилди. Германия, Россия, Украина давлатлари қатори ўз республикамиз машинасозлари ҳам германиялик мутахассислар учун энг замонавий ускуналарни етказиб берадилар. Андижон, Чирчиқ машинасозлари чиқараётган ускуна ва насослар сифати жиҳатдан россиялик-никидан қолишмаётгани эндиликда кўпчилик томонидан тан олинмоқда.

Илгари мазут ёқилғиси Саратов, Куйбишевдан келтирилар эди. Ҳозир бу маҳсулот ҳам ўзимиздан топилмоқда. Ишқорни айтмайсизми? Унинг юз фоизи четдан, яъни Россиядан олинарди. Ҳозир у Россияда ишлаб чиқарилмай қўйди. Шунинг учун ишқорни Америкадан олишга тўғри келди. Айни пайтда ишқордан бутунлай воз кечиш йўли топилмоқда. Чунки у валютага олинади. Бундан икки йилча муқаддам ишқор ўрнига ГРЭС қошида сувни парлаб, яъни буғлаб тозалаш цехи қурила бошлаган эди. Бу цех ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ишқордан фойдаланиш тўрт баробар камайтирилди. Ҳадемай бу цех тўла лойиҳа қувватига киритилгач, ишқордан фойдаланишга эҳтиёж қолмайди. Тасаввур қилинг, нурхонанинг мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёжи учун ҳар ойда 1,5 миллион сўмлик маблағ сарфланар, яна у валюта ҳисобига ҳарид қилиб олинар эди. Олимлар, инженер-техник ходимлар ҳамкорлиги ишқор машмашасидан қутилишга имкон бермоқда. Ҳаракатда — баракат, деб шуни айтадиларда.

... Баҳодир ака билан диллашиб тўймайсиз. Ажойиб ҳол: суҳбатингиз чўзилгани сари у кишига бўлган қизиқишингиз, ҳурмат ва меҳрингиз шунча ортаверади. Бу инсоннинг ички дунёси, меҳр чўғи ва яна биз тушуна олмайдиган ажойиб туйғулар билан боғлиқ бўлса керак албатта. Баҳодир Абдурахмонов сиймосида 80- ва 90-йиллар ўзбек илмий-техник зиёлиларини кўргинг келади. Юртимиз тарихининг мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла бўлган даврида улар чуқур билим эгаллай олдилар, етмиш йиллик буюк шовинистик доиралар манфаатлари устун бўлган даврларда ҳам ўзликларини бой бериб қўймадилар. Авлодларимизнинг илм-фанга бўлган интилишлари, ўқиш-ўрганишга бўлган ташналикларини қонларида сақлаб қола олдилар.

Яшириб нима қиламиз, мудофаа, энергетика, авиация, кончилик, машинасозлик ва бошқа шу каби юрт иқтисодининг ўзагини ташкил этувчи тармоқларнинг «жон» жойлари ўзимизда бўла туриб бизники эмас эдик. Истиқлол туфайли бу соҳаларга ҳам ўзимиз учун йўл очилди. Мустақиллик, у истиқлолимизнинг ўтиш даври деб баҳоланаётган даврларида балки кимлардир ана шу соҳаларда бўшлиқ ва ўпиришлар пайдо бўлишини кутган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Озми-кўпми биргина Сирдарё ГРЭСи мисолида бу ҳол ёрқин намоён бўлди. Хайриятки, юртимиз истиқлоли ғанимларининг башоратларию, кутгандари рўёбга чиқмади. Бунда албатта биз юқорида тилга олган юрт ўғил-қизлари, техник зиёлиларимиз, олимлар, конструкторларимизнинг меҳнатлари юксакдир, албатта.

Хўш, бугунга келиб Сирдарё ГРЭСини қандай сифатлаш, таърифлаш мумкин? У - республикамиз энергетикасининг гултожи, Марказий Осиёда ягона, жаҳон энергетика мажмуасида эса фахрли 20-ўринни эгаллаб турган пахлавонимиздир. Унинг барпо этилиши билан республикамиз энергетикаси бирданига улғайиб қолгандек бўлди. Биз энергетика мустақиллигига эришдик, бу каби улкан нурхоналар қурилишида бой тажрибага эга бўлдик, оқибатда бу соҳада дарс олувчи эмас, керак бўлса дарс берувчилар тоифасига кўтарилиб олдик. Ахир бу улғайиш, юксалиш чўққилари эмасми?

Бу каби ҳар қандай улуғ ишларни эса одамлар амалга оширадилар. Баҳодир ва Озодаларнинг Ширин заминига биринчи бор қадам қўйишган чоғлари эсингиздами? Деярли чорак асрлик давр худди ёқимли бир ел каби бир зумда ўтиб кетибди-я!.. Инсон умри ажойиб нарса. Кимдир уни мудраб ўтказади — кимдир куйлаб, кимдир эса йиғлаб ўтказади, шундай эмасми? Бизнинг қаҳрамонларимиз эса ана шу чорак асрни чақмоқлар ичида чақнаб ўтказдилар. Баҳодир ака билан Озода опа оилада ҳам, ишда ҳам ҳамон ҳамкор — ҳамқадам. Опа нурхонанинг синаш ва созлаш цехида муҳандис бўлиб ишлайдилар.

Оилада тўрт фарзанд камолга етди. Тўнғичлари Шаҳноза ота-она йўлидан бориб Тошкент давлат техника университетини тамомлади, у ҳам севилиб оила қурди, фарзандли. Наргиза — тарбиячи, у ҳам оилали бўлган. Бахтиёр энди ўн саккизни қаршиламоқда. Шунга қарамай нафақат уйда, балки ишда ҳам отаонасига ҳамкор. У ГРЭСнинг бошқарув жараёнларини компьютерлаштириш бўлимида ишламоқда ва айни пайтда Ширин энергетика коллежида таҳсил олмоқда. Кенжатой Феруза эса ҳали мактаб ёшида. Қаранг, замонамиз Фарҳод ва Ширинлари шулар эмасми? Ҳай-ҳай азизлар, уларни ҳам, ёш давлатимизни ҳам ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин..

*Абдужалил УМАРОВ,*
*«Ўзбекистон овози»*
*мухбири*

3

## Халқаро чоралар кўриш зарур

**Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игорь Иванов терроризм йўлига тўсиқ қўйиш учун тезкор халқаро чоралар кўриш зарур, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда Иванов Оттавада ўзининг канадалик ҳамкасби Ллойд Эксуорси билан учрашгандан сўнг айтди. Игорь Ивановнинг сўзларига кўра, яқин кунларда «Катта саккизликнинг» ташқи ишлар вазирларининг учрашувини ташкил этиш зарур. Бу учрашув пайтида муҳим масалаларни ҳал қилиш лозим.**

## Темир йўлда ҳалокат

Покистонда юз берган темир йўл ҳалокати туфайли 20 киши қурбон бўлиб, 53 киши жароҳатланди. Транспорт вазирлиги вакилининг хабарига кўра, фожиа Пешавор — Карачи йўналиши бўйлаб қатнайдиган йўловчи поезди билан Покистон армиясига тегишли бўлган таъмирловчи поезд ўртасида Исломободдан 48 километр шимоли-шарқда жойлашган Вах Кантонемент қишлоғи ёнида тўқнашиб кетиши натижасида юз берган. Тўқнашув натижасида йўловчи поездининг икки вагони тутун чиқиб турган бўлакларга айланган. Дастлабки текширувларга кўра, таъмирловчи составни бошқарадиган ҳеч ким бўлмаган.

## Кельнда халқаро кўргазма

Шу йилнинг 7-14 ноябрь кунлари Олмониянинг Кельн шаҳрида «Art Cologne» халқаро санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда Европа, Осиё ва Океанорти мамлакатларидан келган 100 дан ортиқ санъат усталари ўзларининг ноёб асарлари билан қатнашади. «Art Cologne» халқаро санъат асарлари кўргазмасига бундан 10 йил олдин ва айни вақтда яратилган классик ва замонавий санъат асарлари намойиш қилинади. Кўргазмада машҳур ҳайкалтарошларнинг, жумладан Бернхард Хайлигер, Макс Эрнст, Жоан Миро, Хорст Антес, Сандро Хиа ва Магдалена Абаканович асарлари ҳам намойиш қилинади.

## Сигареталар қимматлашади

Германиянинг "Bild online" газетаси тарқатган хабарга кўра, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Reemtsms", "Britisch-American Tobacco" (BAT), "Reynolds" ва "Philip-Morris" концернлари октябрь ойидан бошлаб, бир қути сигаретанинг нархини 15 пфеннигга оширишини маълум қилган. "Marllboro" сигаретасини ишлаб чиқарадиган "Philip-Morris" концерни ҳам келаси ойдан бошлаб, бир қути сигаретани 5,20 марка ўрнига 5,35 маркага сотадиган бўлди. Сигаретанинг нархи қандай сабабларга кўра ошаётганлиги ҳозирча номаълум.

# Ўзбекистон — жаҳоний теннис марказларидан

**Миллионларни ром этган, кичик тўп ошуфталарини ҳайратга солган, жаҳондаги теннис мутахассисларию мутасаддилар нигоҳини Тошкентга қаратган ўзига хос йирик анжуман муваффақиятли якунланди. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда ҳеч бир нарса спортчалик мамлакатни дунёга тез танитолмайди. Бундан олти йил аввал қадалган ниҳол бугун яшнаб, олислардан кўзга ташланувчи кўркам дарахтга айландики, унинг меваларидан баҳраманд бўлиб турибмиз. «Президент кубоги» учун халқаро мусобақани ташкил этиш билан спортнинг бу турига қизиқиш мамлакатимизда бениҳоя ортди.**

Зеро, бош соврин учун кураш йилдан-йилга энг кучли теннисчиларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Жаҳон рейтингида кучли ўнликдан ўрин олган моҳир ракетка усталарининг Тошкентга чоғланаётгани ҳам шундан. «Президент кубоги»нинг юрт кезиш, унинг жуғрофияси кенгайтирмоқда. Биламизки, дастлаб Чак Адамс бош совринни АҚШга олиб кетганди. Ундан кейин Карим Алами Марокашга музаффар кириб борди. Испаниялик Фелкс Мантийя ҳам ана шундай ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлган. Англиялик Тим Хенменнинг бу борада омади юришиб, икки марта совриндор сифатида Англияга йўл олган. Ниҳоят олтинчи марта ўтказилган мусобақа ғолиби ҳам аниқланди. Бош соврин бу сафар Германияга йўл олди.

Бу галги теннис байрами шундай ташкил қилиндики, меҳмону мезбонларда эслаб юрадиган ҳолатлар кўп бўлди. Хусусан, теннис майдонига махсус плексипей тўшалиши спортчиларга айниқса маъқул тушди. Бу билан «Юнусобод» кошонасининг халқаро талабларга мослиги яна бир бор таъминланди. Бир ҳафта мобайнида катта мусобақа теграсида болалар учун баҳсларнинг уюштирилиши ҳам диққатга сазовор бўлди. Ким билади дейсиз, яқин келажакда ана шу болакайлар орасидан теннис юлдузлари камол топар. Боиси, бугунги кунда Тошкент турнирида ғолиб келганларнинг аксарияти кичик тўп билан муомала қилишни 5-6 ёшларидаёқ бошлашган. Мусобақаларнинг бир қанча телеканаллар орқали олиб узатилиши ишқибозларга Тошкент баҳсларини кўришга имкон берди. Қизиғи шундаки, пойтахтимизга ташриф буюраётган ҳар бир теннисчию-мутахассисга бўлган ўзбекона муносабат қоларверса, мулозамат ва шарқона меҳмондорчилигимиздан улар беҳад мамнун эканликларини эътироф этмоқдалар. Мусобақа ташкилотчилари маданий-маиший хизмат кўрсатиш, кўнгилочар ўйинларни ташкил қилиш каби тадбирларни ўрнига қўйишди. Ишқибозлар бепул лотереялар ўйнаб турли мукофотларни олишга муяссар бўлишди. Ютуқлар орасида «Нексия» машинасининг ҳам борлиги эътиборга лойиқ.




Мураббийлар учун ташкил этилган семинарда иштирок этиш учун Тошкентга келган Осиё теннис федерациясининг президенти Ичи Кавте: «Ўзбекистон дунёдаги йирик теннис марказларидан бирига айланмоқда» дейиши билан бу борада олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларимизга муносиб баҳо берди.

Мухлислар кўпдан бери мукофоту моддий манфаатдорликка меҳмонлар мушарраф бўлишмоқда, деган мулоҳазада эдилар. Ниҳоят, Ўзбекистон теннис юлдузи Олег Огородов жуфт бўлиб баҳслашишда ажойиб ғалабага эришиб, ишқибозларни қувонтирди. Тўғриси, якка баҳсларда унинг омади юришмаганди. Жуфтликда эса швейцариялик Марк Россе билан ҳамкорликни ўрнига қўйиб, дастлаб ҳамюртлари Куценко билан Томашевични доғда қолдирди. Кейин россиялик Андрей Ольховский билан ЖАР вакили Робби Коингни ютиб, ярим финалга йўлланма олди. Финалга чиқиш учун ҳам ниҳоят қизғин ва муросасиз кураш давом этди. Огородов жуфтлиги Япон Шимада билан Мулес устидан 7:4, 6;1, 6;5 ҳисобида ЖАР устун келди. Финалда эса Огородов билан Россе швейцариялик Манта билан америкалик Кайлга рўбарў бўлишди. Бу ўйин икки соатдан кўпроқ давом этди. Биринчи ва иккинчи сетда ҳам ҳисоб 6;6 бўлиб, ғолибни аниқлаш тайбрек усулида амалга оширилди. Шундай қилиб, Огородов — Россе жуфтлиги 7:6, 7:6 ҳисобида ғалаба қозониб, ғолиблик супасига кўтарилишди. Ҳар иккала теннисчи ўз мавқеини жаҳон рейтинги ҳисобида яна яхшилаб, 33,400 АҚШ долларига ҳам эга бўлишди.

Албатта мухлисларни якка баҳсларда муваффақият қозонган теннисчининг зафари кўпроқ қизиқтиради. Бу борада германиялик Николас Кифернинг омади юришди. У Тошкентдаги дастлабки матбуот йиғилишида: «Бу сафар бош соврин меники» деб дадил башорат қилган эди. Шунинг учун бўлса керак у бўш вақтини беҳуда ўтказмай ўзбек хонадонлари-ю чойхоналарда уюштирилган гурунгларда иштирок этди. Миллий мусиқага рақсга тушиб завқланди. Унинг бундай дам олишлари видеофильм қилиниб, унга тақдим этилди. Демак, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротлар, Германияда ҳам юз кўрсатиши турган гап. Мусобақаларга келадиган бўлсак, Кифер аввал фин Кетола, ҳамюрти Манта, кейин АҚШ ўйинчиси Мамитдан устун келиб, ярим финалда чех Вацекни енгди. Унинг финалдаги рақиби швейцариялик Бастл эса кўпчиликни ҳайратга солди. Жаҳонда 154 ракетка устаси бўлишига қарамай, ундаги ирода ғалабага бўлган ниятини мурод қилди. Бастл таниқли теннисчиларни енгиб, хал қилувчи учрашувда ҳам сира бўш келмасликка ҳаракат қилди. Зеро, Кифер анойилардан эмас эди. У рақибини 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди. Шундай қилиб тантанали маросимда Николс Кифер ўзбекона зарбоп тўн кийиб, бош совринни қўлга тутган ҳолда, юртбошимиз билан суратга тушди. Ўйлаймизки, Тошкент турнири бундан буён ҳам янада қизиқарли ва унутилмас воқеалар билан бойиб бораверади.

*Ҳайдар НОСИРОВ*

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ДАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Шукур ЖАББОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

# Ёруғлик сояда қолмас

Яхши одамлар борки ҳаётимиз гўзал, мазмунли.

Шарифа Қориева ёшлигидан ўқитувчилик касбига меҳр қўйди. У республика рус тили ва адабиёти институти, сўнгра эса аспирантурани муваффақиятли тугатди. Фан номзоди, профессорлик унвонига эга бўлди. Ўндан зиёд ўқув қўлланмалари, методик тавсиялар муаллифи... Шарифа опа илк педагогик фаолиятини Тошкент политехника институтида бошлади. 1972 йилдан ҳозирга қадар Тошкент давлат иқтисодиёт университети рус тили кафедрасининг мудираси... Шарифа Қориеванинг ўз касбига талабчанлиги, дарс самарадорлигини ошириш йўлидаги ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, умумпедагогик маҳорати ёш-ўқитувчилар, талабаларга ибратлидир.

Шарифахон Қориева Болгария, Польша, Германия, Ҳиндистон, Эфиопия каби хорижий давлатларда ўтказилган халқаро анжуманлар, семинарлар, симпозиумларда рус тилини ўқитиш методикаси ва назарияси бўйича ўз

*1999 йил — Аёллар йили*

маърузалари билан фаол иштирок этди. 1978 йилда Ҳиндистонда, 1983 йилда Эфиопияда рус тили ўқитувчиси сифатида меҳнат қилди. Камтарона меҳнатлари тақдирланди, қадрланди...

Моҳир педагог, камтарин инсон Шарифахон опа Қориеванинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида рус тили ўқитилишига

доир тайёрланган «Ишбилармонлик тили» ўқув қўлланмаси қайта чоп этилди. Мазкур қўлланма иқтисодиёт мутахассисликлари талабаларига мўлжалланган ягона қўлланма бўлиб хизмат қилаяпти.

Профессор Шарифахон Қориеванинг республикамизда рус тилини ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича илмий-педагогик маҳорати ва ижтимоий фаолияти элимиз, халқимиз дилидан янада чуқурроқ ўрин олишига ишонамиз...

*Суннатулла РИЗАЕВ*

# Қачон ҳафсала бўлади?

**Шаҳар-қишлоқларимиз кўринарли жойлардаги айрим ёзувларнинг, у хоҳ кирилл имлосида бўлсин, хоҳ лотин имлосида бўлсин саводсизларча бажарилаётгани тўғрисида оммавий ахборот воситаларида бундан аввал ҳам кўп гапирилди, кўрсатилди, ёзилди... Аҳвол эса ҳамон ўша-ўша: «эски ҳаммом, эски тос». Энг ачинарлиси шуки, ёзувларни хато битиш касали боғчалар, мактаблар синфари таълим-тарбия муассасаларида ҳам учрамоқда. Бу нарса ёш авлодни саводхон, тил маданияти юксак кишилар қилиб тарбиялашимизга салбий таъсир кўрсатиши тайин.**

Мисол қидириб узоққа бормай, С.Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/1 даҳасидаги 395-сонли болалар боғча-яслисини кўрайлик. Унга кираверишда лотин имлосида катта-катта қилиб «ШОДЛИК» номли 395-сонли болалар боғча-яслиси» деб ёзилган. Менинг фикримча,тил қоидаларига кўра бу жой бирор реал шахс номи билан аталса, масалан: А.Набиев номи билан аталса, унда «Абдулла Набиев номли боғча-ясли деб ёзиш мумкин, агар бу жой «Қуёш» ёки «Лола» деб аталса, унда «Қуёш» номли деб ёзилмай, тўғридан-тўғри «Қуёш» кафеси ёки болалар боғча-яслиси ва ҳ.к. деб ёзилади.

Шуни афсус билан қайд этиш лозимки, бу каби майда (майдамикин?) хатоликларни республикамизнинг деярли барча жойларида учратиш мумкин бўлиб қолмоқда. Наҳотки шу каби ёзувлар битилаётган вақтда, ўша корхона, муассасанинг раҳбари ёзувни қоралама вариантида бирорта саводли одамга кўрсатиб, кейин ёздиришнинг иложи йўқ?!

*Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ, ҳуқуқшунос*

# «Занжир»

«Ўзбектелефильм»да ёзувчи Мирзапўлат Тошпўлатовнинг сценарийси асосида суратга олинган «Занжир» фильмининг тақдимоти бўлди. Фильмда мустабид тузум даври акс этган. Унда тузумга, илдизи чириётган жамиятга қарши «салбий» қаҳрамонлар курашади.

Томошабинлар «салбий» қаҳрамонларни севиб қолишади. Гап шундаки, эзгуликка мойил «салбий» қаҳрамонлар эски тузум қолипларини ёриб чиқишади. Бу исён ёшлар исёни. Шунинг учун фильмга ёшлар жалб қилинган. Улар эса ўз образларини тўла оқлашган. Бу кун «Ўзбектелефильм» сандиғи яна бир фильмга бойиди. Студиялар янги актёрлар билан кўпайяпти...

*Шукур ЖАББОРОВ*

*Ҳаётий ҳангомалар*

## Маҳаллий раҳбарча ғапидан

*— Районимиздан чиққан бир мухбирча юзингда кўзинг борми демай бутун республикага бизни шарманда қипти. Ҳақириб, роса «тузладим». «Нега районимизни шарманда қиляпсан, қаерда туғилгансан ўзинг, — дедим, — ўз ватанинг-ку. Шу ернинг тузини ичиб, нега тузлуғига тупурасан?!»*

*Охири, «Ёшлик қипман, кечиринг», — деди. Кўрдингми, мени ҳеч ким танқидни бўяпти деёлмайди энди.*

## Меҳмонкутар

*— Меҳмонларим — зўр одамлар. Ҳаммаси раҳбар. Қўшниларим «фалончи келди» деб ҳайиқишади. «Пешка» ларни чақирмайман. Бирон вакил, комиссия, назоратчи келса, қўлим очиқ доимо. Каттароғи келса, қўй сўйвораман. Бу қўй кейин қўйқўзиларни етаклаб келади, укам. Ўн сўм сарф қилмасанг, юз сўмни тополмайсан-да. Ахир еган оғиз уялар, дегандек...*

*Ҳамид ИКРОМОВ*

## Рекорд янгиланди

*1988 йили Уйси энг катта балиқни тутиб дунё рекордини ўрнатган эди. У тутган балиқ оғирлиги 242 килограммни ташкил этган. Яқинда Брад Нейлсон бу рекордни янгилади. У Жанубий Американинг Квазул-Наталь қишлоғи яқинидаги денгиздан 263,9 килограмм оғирликдаги «қора марлин» балиғини тутиб олди. Ҳозир «қора марлин» махсус совутгичда сақланмоқда.*

# «Эмас осон, бу майдон ичра турмоқ...»

Мустақил Ватанимизда ўз умрини илм-фанга ва талабаларни тарбиялашга, севимли касбига бутун қалбини, куч-қувватини бағишлаган садоқатли кишилар кўплаб топилади. Таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Раҳмон Ражапов шундай инсонлардан. Иқтисодиёт илмига хусусан, молия ва хўжалик ҳисоби, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини хал қилишга салмоқли ҳисса қўшган олим сифатида бугун уни республикамизда яхши танийдилар. 70ёшли бу домла 56 йиллик ишлаб чиқариш ва илмий-педагогик меҳнат фаолиятига эга. У ўз меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида оддий ҳисобчиликдан бошлади. Домла ёшликдан ҳисоб-китоб ишлари билан қизиқиши келажакда иқтисодчи касбини танлашга, олим бўлиб етишишига замин яратди. Ишлаб чиқаришдаги муаммолар устида мушоҳада қилиш, уларнинг ечимини излаш уни илм-фан оламига етаклади. Шу сабабли Москвадаги иқтисодиёт илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таълим олди. Оддий табелчиликдан бухгалтер-иқтисодчигача босиб ўтилган йўлда орттирилган тажриба ва тўпланган маълумотлар унинг аспирантурада ўқиши давомида илмий ишларида катта аҳамият касб

*Илмга бахшида умр*

этди. Номзодлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилди. Аспирантурани тамомлагандан кейинги фаолияти Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти билан боғлиқ. Олиб борган чуқур илмий-тадқиқотлари натижаси докторлик диссертациясини тақдим этди ва муваффақиятли ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олди. Шу йиллар давомида илм-фан соҳасида тўпланган илмий салоҳиятини талаба ёшларни тарбиялаш учун сарфлаш нияти илмий-изланишлар билан бирга педагогик фаолиятини ҳам қўшиб олиб боришга ундади.

Раҳмон Ражапов Тошкент Молия институтида ишлаб келмоқда. Чуқур билимли, меҳнаткаш, олийжаноб инсоний фазилатлари билан ажралиб турувчи бу олимнинг номи нафақат ватанимизда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам маълум.

Республикамиз вилоят ва туманлари хўжаликларидаги иқтисодчи-мутахассислар уни яхши танийдилар. Унинг маслаҳатлари ҳамда берган йўл-йўриқларидан фойдаланадилар.

Раҳмон Ражапов республикамизнинг агросаноат мажмуи тармоқлари учун етук мутахассис кадрларни бозор иқтисодиёти талаблари асосида тайёрлашга ва фан-техника тараққиётининг ривожланишига катта хисса қўшаётган таниқли олим ҳамда юқори малакали, истеъдодли педагог сифатида танилган.

*Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ*

*Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

## Янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилади

Автомобиль ишлаб чиқарадиган "DaimlerChysler" немис-америка концерни янги автомобиль моделларини ишлаб чиқариш учун 47 миллиард доллар инвестиция ажратди. Концерн юқоридаги режасини Франкфуртда бўлиб ўтган Халқаро автомобиллар кўргазмасида (IAA) маълум қилди. Режага кўра, «DaimlerChysler» немис-америка концерни 2004 йили янги автомобиль моделларини намойиш қилади.

**Ўзавтотранс»**
*корпорацияси томонидан*
**«Интеграл»** *кичик корхонасига берилган* **«КамАЗ 5320»** *русумли, давлат белгиси* **22АА016** *бўлган автомобилга шаҳар атрофи ва шаҳарлараро юк ташиш ҳуқуқини берувчи* **АТ — 0147949** *рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади*

**Тошкент автомобиль йўллар институти**
**профессор-ўқитувчилари таркибидаги бўш ўринларга**
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
**«Информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедраси бўйича:**
*кафедра мудири; доцент (2,5); катта ўқитувчи (2); ассистент (3).*
**«Жисмоний тарбия» кафедрасига:**
*кафедра мудири*
*Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.*
**Мурожаат учун маълумот: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 20, ТАЙИ ходимлар бўлими, тел: 56-15-29**

Ўзбекистон — Украина қўшма «Созпайванд» корхонасининг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоси Исмоил Ҳакимович Жўрабековга волидаи муҳтарамаси **ҲОЖАР аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокими, партия Марказий Кенгаши аъзоси Эркин Маҳмудович Рўзиевга падари бузруквори **МАҲМУДЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Бўка тумани ҳокими Раҳимжон Каримович Обидовга падари бузруквори **КАРИМЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқаро Шароф Рашидов фонди Марказий Кенгаши хайъати ва жамоалари Марказий Кенгаш раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабековга ва оила аъзоларига волидаи муҳтарамалари **ҲОЖАР ая** вафот этганлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Газетанинг навбатдаги сони 25 сентябрь — шанба куни чиқади

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,